ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

QiShLO'Q HAYO'Ti

1996 йил 13 февраль СЕШАНБА № 12 (5.684) сотувда эркин нархда

ТАЪСИСЧИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

«ЎЗБЕКИСТОН – ТАРАҚҚИЁТ ҚУТБИ...»

Мамлакатимиз раҳбари Давосдаги Жаҳон иқтисодий анжуманида бешинчи марта иштирок этиб қайтди. Президент Каримов дунёнинг ҳеч бир мамлакатига ва ҳеч бир улкан халқаро анжуманга бу каби кўп марта сафар қилган эмас. Бунинг сабабларини Президентнинг ўзи сафар охирида жуда содда қилиб шарҳлади: «Биз бор-йўғи беш кун давомида саккиз мамлакатдан келган йигирма иккита делегация билан учрашдик, яъни Давос анжумани сиёсат ва иқтисод аҳлига сонияси тиллога тенг вақтни тежашга ҳамда аниқ прожектларни муҳокама этишга, танлаб олишга имкон беради».

Номидан ҳам маълумки, Давос анжуманида кўпроқ иқтисод ва савдо борасидаги ҳамкорлик муҳокама этилади. Афсуски, кейинги йилларда доктор Клаус Шваб бошлиқ анжуман ташкилотчилари ўз фаолиятларини кенгроқ овоза этиш мақсадида бевосита сиёсат билан боғлиқ масалалар муҳокамасига мойиллик билдирмоқда. Бунинг чораси жуда осон: ўзаро келишмайдиган иккита давлатнинг бошлиқлари анжуманга таклиф этилса бас, юксак тоғлар орасига яширинган кичкина Давос шаҳрида сиёсату тижорат аҳлига нисбатан тўппонча таққан, автомат тутган девқомат қўриқчилар сони иккиуч баробар кўпайиб кетади. Телевизиончиларга ҳам, газетчиларга ҳам иш топилади: асосий мавзу — иқтисодий ҳамкорлик — четда қолиб, уруш ва тинчлик сиёсати муҳокамаси қизийди...

Айни ҳолат, табиийки, Давосга соф иқтисодий манфаатлар муҳокамасини ихтиёр этиб келган давлат арбоблари ва етакчи фирмалар бошлиқларининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Умуман олганда, Швейцария мамлакати сулҳ ва музокаралар маскани сифатида ном таратган. Неча асрдан бери уруш кўрмаган. Дарвоқе, айни хусусда гап кетаркан, ҳамкасбларимиздан бири «Профессор Плейшнерни ҳисобга олмасак, жаҳон урушлари даврида Швейцария заминида бирорта ҳам одам қурбон бўлмаган», деб ҳазиллашди (Юлиан Семёновнинг «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси» романи ва фильмига ишора).

Хуллас, можаролар йўқлиги боис, Швейцария ҳеч қачон йирик иқтисодий ва сиёсий талофат кўрмаган, шунга мос тарзда дунёдаги энг мўтадил молия ва бонка капитали марказларидан бирига айланган.

Биласизки, жон бошига тўғадиган йиллик даромад жиҳатидан бу мамлакат дунёда биринчи ўринда турарди — ҳар бир кишига 35-36 минг американ долларига тенг ялпи миллий маҳсулот улуши тўғри келади.

Одамларнинг маишати ҳам шунга яраша. Давлатнинг рўли кўп соҳаларда шунчаки рамзий сифатга эга.

Кўпчилик ишлар маъмурий-ҳудудий бирликлар, яъниким кантонлар доирасида ҳал этилади. Мабодо фуқаролик жамияти деган юксак идеални пойга марраси этиб қўйилса, айни маррага яқинлик борасида Швейцария олддида ҳатто Америка Қўшма Штатлари ҳам ип эшолмай қолади.

Бундан икки йил олдин, Берн шаҳрида бўлиб ўтган расмий учрашув пайтида Швейцария Федерал Президенти Отто Штих жаноблари мамлакат ички сиёсати ҳақида гапириб, «анча жиддий ва ташвишли масалани ечиш — бензин нархини ўн фойизга ошириш учун умумхалқ референдуми ўтказдик», деб сўзлаганида, Ислом Каримов «сизларнинг ташвишингиз бизларда бўлсайди!..», деб, ярим киноя, ярим хавас билан ҳазил қилгани ёдимизда.

Ўз минтақамизда швейцариямонанд янги мамлакатлар яратиш орзулари овоза қилинган лаҳзаларда ҳам, амалиётпарастлик қон-қонига сингиб кетган Каримов: «Биз ўзимизга хос ва ўзимизга мос, анъаналаримизга тўғри келадиган, замонавий талабларга ҳам тўкис жавоб бера оладиган русмдаги давлат қуришимиз керак», деган камтарона эътирофдан нарига ўтмади. Бунинг сабабларини изоҳлаб ўтириш шарт эмас. Яъниким, бугун, айни қийин замонда, бир тўзумдан иккинчи тўзумга ўтиш тўлғоғи пайтида, ўзгалардан кўр-кўрона нусха кўчириб ўтирмасдан, ўз кучимизга ва идрокимизга таяниб иш кўрганимиз маъқулроқдир.

Шундай қилиб, Ислом Каримов беш бора Давос сафарини ихтиёр этди. Жаҳон иқтисодий анжуманининг яна бир номи бор: «Амалий учрашувлар». Хўш, амалий учрашувлар қандай натижалар берди?

Бу йилги учрашув натижалари бўйича эълон этилган ахборот «Узбекистон — собиқ совет мамлакати ўрнидаги тараққиёт қутби» дея номланган диққатга сазовордир. Узбекчилик қурсин, шу сарлавҳани ўқиб, кўнглимизда қитмиргина бир савол туғилади: хўш, тараққиёт қутбида Узбекистон турган бўлса, қолган биродарларимиз қаерда?..

Қўйинг, кўнгилни кенг қилайлик. Қолган МДҲ давлатларини ҳам шу қутбга жуда яқин, нариги қутбдан жуда узоқда турибди, дея тасаввур этсак, қуни-қўшниларнинг ҳам кўнглини оғритмаган бўламиз. Биз учун энг муҳими — тараққиёт ва ривож қутбида айни бизнинг мамлакатимиз — Узбекистон Республикаси турибди, дея тан олингани.

Узбекистон шаънига ҳалиҳануз турли тарафлардан мубҳам таъналар эшитилиб турган бу замонда Давосдаги йирик халқаро анжуманда қайд этилган эътирофнинг аҳамияти буюк. Энди шу эътирофнинг маъносини чақишга уриниб кўрамиз.

Мана, озодликка чиққанимизга ҳам тўрт ярим йилча бўлди. Қолган собиқ иттифоқдошларимиз ҳам биз билан баробар ёки биздан сал кейинроқ истиқлолга эришдилар.

Мана, шунча вақтдирки, янги мустақил давлатларнинг бошлиқлари, гўё пойга ихтиёр этган чавандозлар каби, лоф отининг жиловини қўйиб юборганлар: «Биз фалон миллиард доллар кредит олдик!», «Биз эса фисмадон миллиард доллар кредит олдик!..»

Дарвоқе, лоф деганимизда сал хато қилдик. Айтилган кўп миллиардлик кредитлар олингани рост.

Хўш, ўша олинган ўнлаб миллиард долларнинг қанчаси қачон ва қаерга кетди?

Олинган кредитлар нима натижа берди?

Олинган кредитлар эвазига қаерда ва қанча иншоотлар қурилди?

Афсуски, бу саволлар жавобсиз қолди. Миллиардлик кредитлар қумга сиғгандек изсиз йўқолди. Янада очиқроқ айтадиган бўлсак, кундалик эҳтиёжларга ёки самарасиз харажатларга сарф этилди, айрим ҳолларда эса, имзоси бақувват лак-лак амалдорларнинг ғубсиз чўнтакларига тушди.

Оғзи қуйган одам қатиқни ҳам пуфлаб ичиши ҳаммага аён ҳақиқат. Лекин йирик кредитларнинг бекорга совурилгани от устида турган арбобларга сабоқ бўлолмади, улар бугунги кунда яна хориждаги ҳомийларга қўл чузиб, янги кредитлар сурамоқда: ким — миллиард, ким — уч миллиард ва ким — тўқкиз миллиард...

Собиқ СССР ўрнида шундай давлатлар ҳам пайдо бўлдики, завод ва фабрикларини тўхтатиб қўйиб, мол-ҳолни қушхонага топшириб, бугунликда халқини кам фоизли кредитлар ҳисобига боқмоқда. Нуқул кредитга умид боғлаб яшаш мумкин эмас. Фоизи қанча имтиёзли бўлмасин, даромадли соҳага сарф этилмас экан, ҳар қандай кредит ҳам жон таслим қилаётган одамнинг лабини ҳўл этган томчи бўлишдан нарига ўтмайди.

Яна бир қизиқ тафсилот борки, олинган кредитлар салмоғидан лоф урган замонамиз жамшидлари не учундир ўз мамлакатига етқизилган сармоялар ҳақида мутлақо оғиз очмайди. Негаки, сармояси бор одам ўз ҳамёнига эҳтиёт бўлади, фойдаси бўлмаган ишга қўл урмайди, мабодо бирор мамлакатга сармоя етқизишга жазм этса, амалга ошажак прожектнинг тақдиридан ҳар соония ва ҳар соатда хабар олиб туради.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида айрим ғурурли юртдошларимиз, шу жумладан, қалам аҳли ҳам, Қозоғистон бунча кредит олди, Россия унча кредит олди, нега Узбекистон кам кредит оляпти, нима, бизга ишонч йўқми, нима, бизни писанд қилишмайдими, дея ташвишга берилгани ёдимизда.

Ростдан ҳам, нега Узбекистон бошқаларга нисбатан кам кредит олди? Нега кейинги пайтларда йирик кредитлар ҳақидаги хабарлар мутлақо учрамайди?

Тўғри, дастлабки йилларда аҳворойи етишмовчилик ва тақчиллик боис, биз ҳам галла, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон каби эҳтиёжларни кредит хисобидан қопладик. Эвазига нақ валюта — пахтамиз ва бошқа бойликларимиз кетди.

Аммо Узбекистон сиёсатининг бош мазмуни шу бўлдики, биз кредит эмас, сармоя оламиз, мамлакатга егулик ёки кийгулик ашёларни эмас, бизни четга қарамликдан қутқарадиган янги технологиялар келтирамиз. Ва, адолат юзасидан айтиш керакки, бу сиёсатнинг энг катта тарғиботчиси Ислом Каримов бўлди.

Шу жойда муҳтарам ўқувчимиз, Президент номини ҳадеб хутбага қўшавериш шарт эканми, деб муаллифдан ранжиши мумкин. Албатта, шарт эмас. Аммо ҳозирги Президентимизнинг ўрнида бошқа бирор шоввоз бўлганида, бугунги кунда биз ҳам айрим собиқ иттифоқдошларимизга ўхшаб қарзу насияга яшаб ёки, — худо кўрсатмасин! — ўзаро жангу жадал қилиб ўтирмидик, деган бир ўй ҳам борки, унинг асосида Каримовнинг номини эслатмаслик ноинсофлик бўлиб туюлаверади.

Узбекистон етқизилган хорижий сармоялар борасида анча иш қилди. Сармоя тинчлик-осойишталик бор жойга келиши ҳаммамизга маълум. Бинобарин, элни муросаю мадорага ундаш, меҳру оқибатли бўлишга чорлаш бекорга кетмабди.

Юртга сармоя чорлаш ва келтириш бўйича анъанавий Давос учрашувларининг аҳамияти жуда катта бўлди. Айни Давосда Узбекистон тарафи тутган сиёсатнинг тадрижига боқадиган бўлсак, дастлабки йилларда юртимизни биров аниқ-тиниқ билмасди ва шу боис Президент Каримов бизнесменлар билан учрашувларда ҳам давлат бошлиғи, ҳам жўғрофия ва тарих муаллими вазифасини ўташга мажбур эди. Иккинчи вазифа юрт раҳбарининг нақадар ғурурига текканини мана бугун, дунёга танилган пайтимизда тузукроқ тасаввур этишимиз мумкин.

Ғурурга тегадиган яна бир нарса шу эдики, биз у замонларда илтимос оҳангида гапирардик, ўзимиз шарт қўйиб, ўзимиз шерик танлаш имкониятидан деярли маҳрум эдик.

Кейинги икки йилда Каримов жўғрофия ва тарихдан маъруза ўқиш азобидан буткул халос бўлди. Бугун Узбекистонни билмаслик маърифатсизлик бўлиб туюлади. Сармоя етқизиш ва даромад олиш, олинган даромадни четга чиқариш борасидаги қонунларимизни ажнабий ҳамкорларимиз бизнинг ўзимиздан ҳам яхшироқ билишади. Энг муҳими, сармояга кафолат борми, деган савол ўртага ташланмайди. Таклиф билан келишади, ёқса танлаймиз, ёқмаса... Агар ёқмаса, икки оғиз ширин сўз билан узангисини босиб жўнатамиз. Шоир айтмоқчи, бу ҳам бир саодат...

Бу йилги Давос анжуманида барчанинг диққатини тортган бир хабар шу бўлдики, маҳаллий газеталардан тортиб, токи дунё магнатларининг минбари бўлмиш Американинг «Уолл Стрит Жорнэл»ига қадар, Узбекистон билан швед-швейцар АББ қўшма фирмаси ўртасида тузилган 600 миллион доллар қийматли прожект ҳақида ёзиб чиқишди. Япония ширкатлари кумагида қурилажак янги корхона ўзбек газини этилендан тозалаб, турли пленкалар ва синтетик қувурлар ишлаб чиқаради. Матбуотнинг ёзишича, асосан суғорма деҳқончилик билан иш кўрувчи Узбекистон давлати учун бу прожект муҳим аҳамиятга эга, яъники улкан ҳажмларда чиқариладиган полимер қувурлар жуда кўп сувни тежашга, деҳқончиликни янгича технология асосига қўйишга имкон беради...

Тўғри, Президент ўз баёнотида бу янгиликка кичкина бир қўшимча киритиб айтдики, жаноблар, албатта, 600 миллион доллар дегани, бу — каттагина пул, лекин айни маблағнинг нақ ярмини биз ўзимиз тўламоқчи эканимизни ҳам эсдан чиқармасликни сурайриз.

Марксизм-ленинизм маёқларидан бири бўлмиш Владимир Ленин асарларидан биламизки, чет эл капитали ҳар қайси мамлакатда якка ўзи ҳукмронлик қилишни хоҳлайди. Бугун, гарчи замонлар кўп ўзгариб кетган бўлса-да, айни истак — кўпроқ сармоя қўйиб, кўпроқ фойда олиб чиқиб кетишга мойиллик урфдан қолмаган.

Узбекистонда эса, тамаки саноатини истисно қилсак, энг йирик прожектларнинг барчаси ўз сармоямизнинг тенг ёки устуншериклиги асосида амалга оширилмоқда. Яъники, капиталист дустларимиз сармоянинг ярмини олиб келади, қолган ярмини эса ўзимиз берамиз. Олинган фойда — ўртада арра қилинади.

АББ билан тузилган шартнома Давосда катта шовшувга сабаб бўлган эрса-да, Жанубий Кореянинг ДЭУ корпорацияси билан амалга оширилаётган прожект ундан йирикроқдир. Аввало, унга тенг шериклик асосида 660 миллион доллар харажат қилинди. Қолаверса, Асакада қуриб битирилган завод мамлакатимизда автосозлик саноатига асос солди. Нари борса, иншоолло, икки ойдан кейин биз биринчи узбек автомобили конвейердан чиққанини кўрамиз.

Ёки аллақачон ишга тушган «Зарафшон — Ньюмонт» тилла заводини олиб қарайлик. Нархи — 223 миллион американ доллари. Харажатнинг нақ ярми ўзимиздан.

«УзАИГ интернэйшнл» суғурта компанияси. Нархи — 100 миллион доллар. 20 фоизи америка капитали, қолгани — ўзимиздан.

Фарғонадаги «Узсаламан» пойабзал фабрикаси. Шартномага имзо чекилганидан дастлабки жуфт пойабзал чиққунига қадар бор-йўғи турт ой ўтди, холос. Дарвоқе, бу муддат Давос анжуманида алоҳида қайд этилгани жуда маъқул иш бўлди.

«Омонтойтов — голдфилс» номли қўшма корхона прожекти 316 миллион доллар деб баҳоланди. Сармоянинг нақ 57 фоизи Узбекистон тарафидан берилмоқда.

«Сименс» фирмаси билан телекоммуникацияларни янгилаш борасида 200 миллион долларлик прожект амалга ошяпти.

Бевосита ўз капиталимиз иштирокида ва «Мерседес-Бенц» билан шериклик асосида қурилган Хоразмдаги юк автомобиллари заводини, турли шаҳарларда иш бошлаган ва минглаб одамларни ишли этган ўнлаб йирик текстил фабрикларини ҳам ҳисобга қўшсак зиён қилмайди.

Хорижий ўрта ва майда капитал иштирокида қурилган юзлаб ва минглаб каттаю кичик ширкат ва ширкатчаларнинг умумий нархи эса, очиқ тан оладиган бўлсак, ҳозирча тузукроқ чамаи-чўт қилингани йўқ.

Масаланинг яна бир тарафи борки, хорижий сармоядорлар ҳукумат кафолатидан ташқари, амалга ошажак прожектларга йирик халқаро суғурта фирмалари ҳам ҳомийлик қилишини истайдилар. Лойиҳаларни суғурта қилишда Америка Қўшма Штатларининг ОПИК каби номдор фирмаси иштирок этаётгани ҳамкорлигимизга алоҳида салобат бағишлаши табиийдир.

Муҳтарам ўқувчи тепада саноғи келтирилган про-

(Давоми 2-бетда).

Хатирчи туманидаги Э. Абдиев номли жамоа хўжалиги ўтган йилни муваффақият билан якунлади. Барча соҳаларда кўсаткичлар яхши бўлди. Йил якунига кўра 9 миллион сўм соф фойда олиш режалаштирилаяпти. Жамоа аъзолари техниканинг пухта таъмирлангани ва унинг соз ишлашини ютуқлар омилларидан бири деб билишади. Шу боис озиқ бу борада иш қизғин юборилган. Таъмирни тез ва сифатли якунлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

СУРАТДА: механик Рустам Исмоилов, техника хавфсизлиги инженери Жума Сафаров ва созловчилар бригадаси бошлиғи Хайрулла Сафаровлар тайёр агрегатларни назоратдан ўтказишаяпти.

Т. НОРҚУЛОВ олган сурат (ЎЗА).

МАВСУМ ТАРАДДУДИ

(Мухбиримиз Абдунаби ҚОРАБОЕВ телефон орқали хабар қилади). Наманган туманининг уста деҳқонлари ўтган йили фидокорона меҳнат қилиб барча соҳада қувончли натижаларни қўлга киритдилар. Ҳозирги кунда жамоаларда иш қизғин. Экин-тикин мавсумига ҳар томонлама пухта тараддуд кўрилмоқда. Туманда экиш кампаниясида фойдаланиладиган техниканинг асосий қисми муддатидан илгари сифатли таъмирлаб бўлинди. 120 та ҳайдов, 293 та чопиқ тракторлари, 231 культиватор, 138 сеялка, 540 та борона ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик техникаси тайёргарлик чизигига келтириб қўйилди. Қишки тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказишда «Зарбдор», «Ғайрат», Охунбобоев номли, «Туркистон», «Хонобод» жамоа хўжаликларининг меҳнатсеварлари намуна бўлишаяпти. Эътиборлиси шуки, эҳтиёт қисмларнинг анчагина қисми устахоналарда ясалди.

Чустдаги «Зарафшон» хўжалиги тадбиркорларининг техникани мавсумга пухта созлаш юзасидан тўпланган тажрибалари кенг оммалаштирилганлиги қўл келди. Илғорлардан ўрнак олган Турақўрғон, Учқўрғон туманлари деҳқонлари ҳам қўкламга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

1995 йил тажрибасини кўрсатмоқдаки, қаерда тадбиркорлик билан иш юритилса, ўша жойда юксалиш бўлди. Туманимиз пахтакорлари она-Ватанга режадаги 32 минг 300 тонна ўрнига 33 минг 711 тонна хом ашё сотишга муваффақ бўлдилар. Хўжалигимиз заршуносларининг ҳам 621 гектар ердан 2200 тоннадан ортиқ оқ олтин етиштириб, белгиланган режаларни ортиғи билан адо этдилар.

Муваффақиятга бригадамиз жамоаси ҳам муносиб улуш қўшди. 78 гектар ерда деҳқончилик қилдик. Ҳар гектар ердан олинган хом ашё 35,1 центнерни ташкил этди. Бу 1994 йилга қараганда гектар бошига 9 центнер кўпдир. Жорий йилда катта ўзгаришлар, юксалишлар йили бўлади. Бунга фидокорона меҳнат, тадбиркорлик туфайли эришилади, албатта.

Ҳозир лафзи ҳалол пахтакорларимиз жорий йилда ҳосилдорликни 40 центнерга қўтариш борасида астойдил ишламоқдалар. Майдонлар кўздаёқ сифатли шудгорланди. Бу ишда тракторчи Шавкат Қобилов намуна кўрсатди. Майдонларнинг шўрини ювиш ва яхоб бериш, кеча-кундуз олиб бориляпти. Моҳир сувчилардан Омон Ортиқов, Мурод Ашуров, Жума Малласв, Бойнурод Файзиев, Қўша Шириновлар ишнинг сифатига эътибор бермоқдалар.

Ўгит — ернинг ҳамиртуруши. Бу ишда Иди Қобилов, Ҳофиз Файзиев каби ёшлар ҳамда ака-ука механизаторлар Шуҳрат ва Мубин Қобиловлар алоҳида ғайрат кўрсатмоқдалар.

Жорий йил бригадамиз учун ҳар галгидан баракали бўлади. Ҳозирдан қилинаётган меҳнат, бригададаги ҳамжиҳатлик шундан далолатдир.

Ўктам МАЛЛАЕВ, Пешқу туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи.

ҚЎКЛАМГА ТАХТ БЎЛСИН

Қишлоқ хўжалиги техникасини ҳаммадан олдин ва сифатли таъмирлаб, баҳорги экиш мавсумига шай бўлган хўжаликлар Наманган вилояти агросаноат уюшмаси, «Агромашхизмат» хиссадорлик бирлашмаси ва агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси томонидан эълон қилинган кўрик-танловнинг ғолиби бўлади. Кўрик-танлов натижалари бўйича, ҳар тумандан битта ғолиб хўжалик аниқланади ва унга пул, республиканинг соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланма каби каттагина совринлар берилади.

Таъмирлаш ишларининг ҳозирги суръатига қараганда, ғолибларни аниқлаш қийин бўлади, дейишмоқда кўрик ташкилотчилари. Чунки, ҳамма жойда ишлар қизғин бормоқда. Айниқса, вилоят корхоналари ва хўжаликлар устахоналарида тайёрланган, қайта тикланган керакли эҳтиёт қисмлар билан хўжаликларнинг мунтазам таъминлаб турилиши ишнинг мувафаққиятли боришига ёрдам бермоқда. Чунончи, ўтган йил давомида қарийб 11 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрланган эди. Тахминан яна 11 миллион сўмлик керакли деталлар таъмирланган.

Машина-тракторларга хизмат кўрсатишнинг янги тартиби ўзини тула оқлади. Хўжаликлар билан тузилган шартномага кўра, «Агромашхизмат» қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлашдан ташқари хизмат кўрсатишни ҳам тўлиқ ўз зиммасига олади. Бу тартиб ўтган йили битта туманда синаб кўрилган эди. Бу йил эса тўртта туманда тажриба қилинади.

Қўшма ва ёрдамчи корхоналар барпо этилиши айрим узеллар ва деталларни таъмирлашнинг вилоятда, республикадан ташқаридан эҳтиёт қисмлар келтирилишига қарамлигини камайтиришга ёрдам бермоқда. Масалан, ўтган йилнинг охирида Вилнюснинг «Куро-аппаратура» заводи ёрдамида ташкил этилган Косонсой туманидаги трактор ёнилги аппаратларини таъмирлаш корхонаси иш бошлади. Турақўрғон трактор таъмирлаш заводи Украинанинг «Гидросила» корхонаси билан сув насослари тайёрлайдиган қўшма корхона тузиш ташаббуси билан чиқди. Қўшма корхоналар барпо этиш ишлари давом этмоқда. Четдан эҳтиёт қисмларни ва деталларни иложи борича камроқ келтиришга ўтиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

— Бироқ ҳамма ишни уддалаш ўзимизнинг қўлимиздан келмайди, — дейди вилоят «Агромашхизмат» бирлашмаси раҳбари М. Сотиболдиев. — Менимча, республикада шина ишлаб чиқариш муаммосини ҳал қилиш вақти келди. Уни МДҲ давлатларидан олиб келиш кундан кунга қимматга тушмоқда. Республикамизга четдан деталлар, эҳтиёт қисмлар келтиришга ажратилган маблағнинг катта қисми айнан шина сотиб олишга сарфланмоқда. Шунга қарамай, келтирилаётган шиналар эҳтиёжнинг ўндан бир қисмини, баъзан ундан ҳам камроғини зўрга қопламоқда.

...Наманган таъмирчилари экиш техникасини барвақт мавсумга шайлаб қўйишмоқчи. Кўрик-танловда ғолибликка даъвогарлар сони кундан кунга ошиб бормоқда. Уларнинг орасида Наманган, Учқўрғон, Норин ва Турақўрғон туманлари хўжаликлари бор. Техника таъмирига асосий ҳакам экиш мавсумидир.

Н. ХЎЖАЕВА, ЎзА.

«ЎЗБЕКИСТОН – ТАРАҚҚИЁТ ҚУТБИ...»

(Давоми. Боши 1-бетда)

жектлар нархидан оғох бўлиб, ҳақли тарзда: хўш, бирадар, шунча мақтовга сазовор ишлар қилинаётган экан, бундан менга, менинг рўзғоримга нима наф етади, деб сўраши тайин.

Тўғри савол. Бугунги оғир шароитда бундай саволларга жавоб бериш жуда қийин. Қийин ҳам эмас, балки бирон берган жавобингга тушунишни истайдими, деган андиша азоби бисёрдир.

Яхшиси, ўзаро савол-жавобни четга суриб, ҳар биримиз шахсан ўзимизни сўровга тутиб кўрайлик.

Ўзбекистон аҳли бугунгига нисбатан яхшироқ яшаши мумкин эдими?

Албатта, мумкин эди. Яхшироқ шароит яратишга Каримовда ҳам, ҳукуматда ҳам, борингки, бугун мамлакатда ҳам имкон бор эди. Пахтамиз, тилламиз, бошқа бойликларимиз...

Хўш, имкон бор экан, нега яхши яшаётганмиз? Нега пахтага егулик, тиллага кийим-кечак, мисга яна бир керакли ашёларни сотиб олмоқдамиз? Шундай қилсак бўлармиди? Албатта, бўларди. Бўларди-ю, ғирт душманлик бўларди. Бўғзимизга қўлар қарзга ботардик, боримизни еб битириб, фабрик-заводларни тўхтатиб, яна бировларнинг қошу ёвоғига боқиб, яна да анироғи, бегона эллар-нинг одақасига кўз тикиб ўтирардик.

Дастлабки икки йилда Россиядан олинган нефтга, Росси, Қозоғистон ва Туркиядан олинган ғаллага қанч пахтамиз кетганини ким билади?

Нега бугун Каримов сонсиз-аноқсиз мажлисларда ноўғ ҳоким ва ҳокимчалари, вазиру нозирларни оёққа қалқитиб, ғалланинг ҳисобини сўрайди?

Нега улар эркмасдан экдик, йиғмасдан йиғдим, дейди? Нега уруғдан ўради, ҳосилдан ўради? Дарвоқе, ҳоким уруғ устида туриб, фалон қисмини экинглар, фалон қисмини ўғирлаймиз, деб айтишига ақл бовар қилмайди. Аниқроғи, биз ўзимиз шу ишни қиламиз, ҳоким эса кўз юмиб туради, чунки унинг ҳам бошқа жиҳатлардан тил қисиқлик жойлари бор. Шу сабаб, акахонларимиз қунбай яшайди, порабай яшайди, ўтган куни ҳисоб, сўровқистов пайтида иштонини ҳўллаб қўйган боладай индамай тураверади...

Ростдан ҳам, нима, Президентга жон керак эмасми, деб қуюнадиган одамлар минг бора ҳақ. Нима қиляпмиз, бирадарлар, киммиз биз, ўзимизга ўзи душман халқмизми? Уруғдан уриш қайси замонда эси-хуши жойида одамнинг ҳаёлига келган? Кимнинг насибасини қияди у? Болаларимизнинг, халқимизнинг насибаси эмасми бугун сочилмай қолган уруғ?!

Наҳотки, сиқувда яшаган етмиш тўрт йилимиз бизнинг онгимизни шунчалар заҳарлаб улгурган бўлса?! Шуларни ўйлаб туриб, бу каби гуноҳлар болаларимизга урмасмикин, дея ваҳимага тушасан киши.

Бировнинг қўлига қарашдан оғир азоб йўқ дунёда. Бугун-ку, худога шукр, ўзимизни анча тутиб олдик. Лекин икки йил аввал, бор-йўғи ўн кунга стадиган унимиз қолганида, ҳукумат аъзоларию бошқа мутасадди одамлар чор атрофга зир югурганини, қанча пахта ва қанча тилла ҳисобидан энг охирги дақиқада ғалла топиб келганларини ким билади?

Балки ҳукумат ишига оид бу каби тафсилотларни ошкора қилиш шарт эмасдир, лекин уларни билиб қўймоқ ҳам фойдадан холи эмас.

Ниятимиз жуда оддий — бугунги сиёсатнинг келажак сиёсати эканини эслатиш. Бугунни ўйлаб, келажак авлодларни қарзга ботиб яшашга маҳкум этиш ёмонлигини англатиш.

Ўз нефтимиз ва ўз ғалламизга етарли даражада эга бўлиш нияти шунчаки ҳою хавас эмас. Етарли бўлган жойда, яна бир ҳаракат қилинса, четга сотиш имкони ҳам пайдо бўлади. Ривож сўрьати кўрсатиб турибдики, кейинги учтўрт йил ичида нефт ва газ ишлаб чиқаришни икки ярим баробар кўпайтирдик. Қўлимиздан келар экан-ку? Шундай пайтларда, худо ҳаққи, ўзбеклар — деҳқон халқ, мураккаб технологик жараёнларни бошқаришга уқуви етармикан, дея истеҳзо қилган кимсаларнинг кўзига бир қарагинг келади!..

Дарвоқе, биз Франция ва Япония иштирокида қурилаётган Бухородаги йирик нефтни қайта ишлаш заводини аввал ёдимиздан чиқарган эканмиз. Шу ерда эсга тушгани яна яхшироқ бўлди.

База соҳалари, деб кўп гапирамиз. Газет саҳифасида ёзиладими, телевизионда баралла айтиладими, кўпинча бу сўзларнинг маъносини чақиб ўтирмаймиз. Аслида-чи? Аслида бутун ҳаёт-мамотимиз айни шунда — мамлакат иқтисодининг устуни бўлмиш асосий соҳаларни тараққий топтиришда.

Давосда кўзга ташланган иборани уқиб, теримизга сиғмай қувонганимиз ва уни ўзимизнинг одмироқ чизгиларимизга сарлавҳа этиб кўчирганимизнинг боиси ҳам шунда. Демакки, халқимизнинг, ҳукуматимизнинг саъй-ҳаракатлари зое кетмабди, биз ҳам аниқ-таниқ ютуқларга эришибмиз ва буни дунё аҳли очиқ-ойдин тан оляпти.

Мусулмончилик аста-секин, деган жуда машҳур ва маънили ибора бор. Ёркин келажакни бугунок куришни орзу этаётган бесабр дўстларимизга айтишни истардикки, биз ҳам ўшандай, сиз орзу қилган каби, ёруғ кунларнинг тезроқ келиши тарафдоримиз. Лекин давлат бир кунда қурилмайди, завод ёки фабрик ҳам бир кунда ишга туша қолмайди. Асакада завод қурилармиш, деган гап тарқалганида, қўпчилик маҳобат деб ўйлаган эди. Ўшандан бери икки-уч йил ўтибди. Эртага қарабсизки, кўчаларда ўзимизнинг автоларимиз юра бошлайди. Қолган прожектлар ҳам аста-секин ҳосилини беради, кейин яна янги прожектлар амалга ошади.

Хўш, Давос учрашувлари ҳақида сўз очиб, нега бошқа соҳаларга оғишиб кетдик? Бевосита Давосда бўлиб ўтган учрашувлар ҳақида маълумот бериб, журналистлар тилида айтганда «ҳисобот очерки» билан чекланганимиз яхши эмасмиди?

Албатта, бу усул осонроқ кўчарди. Лекин қуруқ тафсилотлар шусиз ҳам тиқилиб ётибди. Давос баҳонасида айни шу кунларда юртимизда бўлаётган ишлар ҳақида, гарчи юзакироқ бўлса-да, озгина мушоҳада этишни беҳроқ билдик.

Агар Давос мавзусига қайтадиган бўлсак, мақоламиз аввалида Президентимизнинг баҳосини келтирдик: беш кун ичида йигирма икки учрашув бўлиб ўтди. Ислом Каримов Покистон Президенти Сардор Фаруҳ Аҳмад Хон Леҳарий, АҚШ Давлат котиби ёрдамчиси Ричард Холбрук, Европа ҳамжамияти комиссари Ханс ван ден Брук каби сиёсатчилар билан, бизга таниш ва ҳозирча нотаниш бўлган ўнлаб йирик транс-континентал компания ва корпорацияларнинг раҳбарлари билан бевосита учрашди, юздан ортиқ бизнесмен тўпланган катта бир мажлисда Узбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари ҳақида маъруза қилди.

Суҳбатлар асосида янги, ҳали ҳеч кимга овоза этилмаган йирик прожектлар муҳокама этилди. Улар ҳақида — подадан олдин чанг чиқармаслик маънисини эслаб, — бугун муфассал ёзишга эҳтиёж йўқ. Иншоолло, Давосдаги муайян келишувлар амалга ошганида таърифу тавсиф этишга ҳали улгурамиз.

Давосдаги учрашувлар раҳбаримизнинг дипломатлар ва хориждан келган мухбирлар билан охирги учрашув пайтида «Узбекистон жаҳон ҳамжамиятига сингишиб бўлди», деб айтган фикрини яна бир марта тасдиқлади.

Ёдингизда бўлса, шуролар даврида «Коммунизм — муқаррар!» деган зўр шиор бўларди. Вақти аниқ айтилмагани боис, бу шиор ҳеч эскирмасди. Эллик йил олдин «долзарб» бўлгани каби, агар советларнинг шўри қуримаса, яна эллик йил давомида ҳам «долзарб»лигини йўқотмасди. Ваъда этилган жаннат хомхаёл бўлиб чиқди. Умуман, қуруқ даъват ва бақириқ-чақириқларнинг даври ўтди.

Бугун аниқ режа ва аниқ амал керак. Бугун Каримов ҳам, бошқалар ҳам «хаётимиз бир йилда ёки икки йилда жуда ўзгариб кетади», деб айтаётгани йўқ. Мустақиллигимизнинг бешинчи йилига келиб, ниҳоят, 1996 йили барқарорлик ва олга силжиш йили бўлади, деган умидбахш сўзлар айтилди. Ортиқча гап, ундоқ қиламиз, бундоқ қиламиз, деган лофлар бўлмади.

Ниятлар катта, лекин ҳозирча камтарона эътирофлар била чекланган маъқул. Давос учрашувлари пайтида ажнабий бир мухбир Президентга мурожаат қилиб, сизлар Давосда ААБ фирмаси билан тузган ҳамкорлик режаси жуда катта — 600 миллион доллар экан, мамлакатингиз тажрибасида бу қадар йирик прожектлар аввал ҳам учраганми, деб савол берди.

Президент жавобан айтдики, авваламбор бу прожект Тошкентда имзоланган, бор-йўғи овозаси Давосда бўлди, иккинчидан, бу каби прожектлар бизда жуда кўп, сир бўлса ҳам, мисол тариқасида биттасини айтишим мумкин: Американинг «Энрон» компанияси билан Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида газ конденсати конларини излаш ва қазиб олиш бўйича муҳокама этилаётган прожектнинг нархи — 1 миллиард 300 миллион доллар.

Президентимиз атаган рақам ажнабий ҳамкасбларимизга бинойидай таъсир қилди. Шу боис, биз ҳам уни мақоламиз охирига қадар хуфя сақлашни маъқул кўрдик.

Мурод Муҳаммад ДЎСТ.

ЖАРҚУДУҚ ЯЙЛОВЛАРИДА

Ҳа демай, дала-ю даштларни, қиру адирларни, ҳудудсиз кенгликларни баҳорнинг ямяшил гилами қоплайди. Елкасини кўеш қиздирган кунгай ерларда дастлаб чучмомалар, кейин эса турфа ва тансиқ гуллар қийғос-қийғос бўй кўрсатади. Ариқ бўйларида ялпизлар унади. Хуллас, баҳорнинг ранго-ранг жамоли ҳамма ерда тантана қилади. Еллар хушбўй ифор сочади. Қиш бўйи ҳаприққан дилларга ором, нигоҳларга гуззаллик бахш этади. Соғинчли бир сас қанот бойлаб, олис-олисларга парвоз этади: «Сен баҳорни соғинмадингми?!»...

— Биз ҳар баҳорни соғиниб, интиқ-интизорлик билан кутамиз, — дейди бош чўпон Нормўмин Бердиев. — Бу соғинишнинг қишдаги оғир заҳматларга ҳеч алоқаси йўқ. Аслида биз, чорвадорлар учун тўрт фасл ҳам синов ва имтиҳон фасли. Халқимизда ажойиб бир мақол бор: «Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди...» Чўпонлик ҳам матонатни, сабр-бардошни, садоқатни талаб этади.

Яйловлари ва ғаллазорлари беполён — олис Нуробод туманининг «Узбекистон» ижара-давлат хўжалигида матонатли чорвадорлар, ўз касбининг фидойилари бисёр. Нормумин — шулардан бири. У чорвадорлар сулоласининг жонкуяр аъзоси. У падари бузруквори, 75 ёшли Файзулла ота Бердиевдан чўпонлик таёғини олганига аслида кўп йиллар бўлди. Мана, қарийб уч йилдирки, катта отарга бош чўпон.

Бу хўжаликда Хушназар Рузиқулов, Маҳкам Норқораев, Эшмамат Бобоқулов сингари донгдор чорвадорлар, Ҳасан Рузиқулов, Номоз Норқораев, Абдунаби Бобоқулов ва бошқа кўплаб бош чўпонлар бир-бирларига меҳр-оқибат, садоқат кўрсатиб, меҳнат қилишаяпти. Эътибор беринг — исми шарифлари юқорида тилга олинган фидойилар ҳам ўзига хос чорвадорлар сулоласининг аъзолари. Бундай мисолларни Жарқудуқ қишлоғидан кўплаб келтириш мумкин.

Ҳа, бугунги кунда илғор чорвадорлар баҳорга қувона-қувона пешвоз чиқишмоқда. Инчунун, Жарқудуқ яйловларида қишлов муваффақиятли ўтаяпти. Отар-отар сурувларни яйратиб боқиш намунали йўлга қўйилган. Уларнинг бутун қишга етиб-ортадиган ғарам-ғарам сомони, ем-хашаги — озуқанинг ҳаммасидан бор. Энг муҳими, асл чўпонларнинг сабр-бардоши — асосий мезон.

— Қузитлатиш мавсумига ҳам ҳозирдан пухта тайёргарлик кўриб қўйдик, — суҳбатни давом эттиради бошқа отарнинг бош чўпони Ҳасан Рузиқулов. — Бултур ҳар юз бош совлиқдан 105 тагача соғлом ва дуркун қузи олган эдик. Бу йил ҳам, насиб этса, шундан кам бўлмайди.

— Ишонамиз! — баб-баробар ишончли фикр билдиришди қўшни отарларнинг бош чўпонлари — Номоз Норқораев ва Абдунаби Бобоқуловлар. — Маҳсулот сифати ҳам аъло бўлади. 90 фоиз қўзини ўстиришга, ўн фоизини эса, қорақўлчилик анъанасига кўра, сифатли маҳсулот — тери олишга ажратамиз. Нурободнинг қорақўли жаҳон бозоридан нуфузли ўрин олиши керак!

Илло, бу азамат ва марду майдонларнинг айтгани келсин. Биз ҳам яхши ниятга тилакдошмиз!...

Абдулла ТУРДИЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. Бош чўпон Нормўмин Бердиевнинг кайфияти доимо шунлай аъло. Боиси аниқ — меҳнати йилдан-йилга баракали бўлаяпти. 2. Яйловлар — ризқ-рўзимиз сарчашмаси. Ўзбекистон чорвачилигининг истиқболи ҳам ана шу отарлар остонасидан бошланади.

Ҳ. СОЛИҲОВ ва Б. ТЎРАЕВ олган суратлар.

ЧОРВА ҚИШЛОВИ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?

Ҳужалигимиз асосан швед зотли молларни парваришлашга ва наслчиликка ихтисослашган. Ўтган йили шартнома асосида вилоят наслчилик корхонаси орқали ҳужаликларга 20 бош зотли ғунажин етказиб бердик. Бу иш билан асосан наслчилик зоотехниги Рустамжон Исоқов ва тажрибали чорвадорлар жиддий шуғулланишяпти. Айни пайтда 847 бош қорамол, 351 бош қўй ва 100 бош парранда чорвадорларимиз қўлида парвариш топяпти. Қишнинг совуқ-қировли кунларида жамғарилган 1026 тонна силос, 593 тонна сенаж, 1700 тонна сомон, 789 тонна беда пичани ва емдан ўринли фойдаланяпмиз.

Гўшт, сут, тухум кўпайтириш — ҳозир муҳим вазифа.

Бўлса агар оқлигинг, ортаверар тўқлигинг

Бунинг учун жониворларни вақтида тўйимли, витаминли озуқалар билан боқиш талаб этилади. Қолаверса, қишда совуқ кучайиб мол, қўй, парранданинг озуқага талаби ортишини ҳам ҳисобга олиш даркор. Шу кеча-кундузда 270 бош соғин сигирнинг ҳар бошидан 9-10 литрдан сут соғиб олиш учун олти маҳалдан озиқлантиришни ташкил этганмиз. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир бош сигирга тўйимли ем-хашак бериш аниқ режа асосида олиб борилянти. Тежамкорлик йўлга қўйилган.

Бу масъулиятли юмушни Олимжон Отабоев, Ҳуснидин Пулатов сингари жонкуярларимиз сидқидилдан адо этмоқдалар. «ИСК-3» озуқа майдалайдиган механизм тула қувватда ишлаяпти.

Ўтган йили давлатга 51 тонна гўшт, 587 тонна сут, 96 минг дона тухум сотдик. Гўштга топширилган ҳар бош қорамолнинг тирик вазни ўртача 400-500 килограммни, ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут эса 2636 килограммни ташкил этди. Айрим пешқадам согувчиларимиз ҳар бир сигирдан 3000 килограмм ва ундан ҳам ошириб сут соғиб олдилар.

1996 йилнинг дастлабки ойи якунланди. Биринчи ойнинг дастлабки икки ўн кунлигида 30 йилдан буён согувчилик касбини эъзозлаб келаётган Азизахон Дадабоева ғолибликни қўлга киритди. Унинг меҳнати муносиб тақдирланди. Шунингдек яна бир согувчимиз Холидахон Ғофурова ҳам илғорлар сафида бораяпти. Араббой Ғаниев, Абдумалик Қобулов ва бошқа чорвадорларимизнинг ғайрати таҳсинга лойиқ.

Шуни айтиш керакки, ҳужалигимизда 60 гектар майдонга оралиқ экин экилган. Ана шу майдонлардан ҳар гектар ҳисобига 200-250 центнерда ем-хашак ва озуқа олиш ниятидамиз. Бу йил ҳам чорва озуқаси мўл-кўл бўлади. Ҳа, ниятимиз эзгу.

Ўтган йилги даражани камайтирмаган ҳолда гўшт, сут, тухум етиштириш режаларини таъминлаймиз. Шу билан бирга шартнома асосида 30 бош зотли наслли ғунажин сотамиз. Иншоолло, яхши ниятимиз албатта ижобат бўлгай...

Бахтиёр ДАДАХАНОВ,
Учқўрғон туманидаги «Қайқнобод» жамоа ҳўжалиги бош зоотехниги.

Майдон текис - ҳосил тўкис

Ҳуррам Туймаевни Яккабоғ туманидаги Узоқ Мирзаев номли ширкатлар уюшмасига раис бўлиб келганининг энди учинчи йили бошланди. У кўпгина корхона ва ташкилотларга раҳбарлик қилиб, анчагина тажриба орттирган.

Ҳужалик ҳудудида 1335 оила истиқомат қилишмоқда. Таъбир жоиз бўлса, улар катта ҳужалик-рўзғорга аъзо. Бундай пайтда боқимандачиликка ўрин ҳам қолмайди. Ҳеч ким четдан таъминот ҳам олиб келмайди. Фақат тадбиркорлик билан қилинган ҳалол меҳнатгина эл бойлигига бойлик қўшади. Раис-раҳбарнинг шиори ана шундай-тўпори ва самимий.

Ҳужалик раҳбарияти оилаларга ер ва ишчиларни, ноғиронларни, фуқароларни ижтимоий ҳимоялашни биринчи даражали вазифа деб биляпти. 25 нафар ноғирон болаларга мурувват кўрсатилди. Боқувчисини йўқотган 12 нафар кишига йил давомида ёрдам пули бериб борилмоқда.

Маданият, Уламжи участкалари оилалари табиий газ билан таъминланди. Ҳозирги вақтда Қутанбой қишлоғи хонадонлари газлаштирилаётир. Ҳужаликнинг Шулик-қирғиз, Жарқирғиз қишлоқлари эса 1996-1997 йилларда табиий газ билан тўлиқ таъминланади. Ёш оилаларга ер участкалари берилмоқда. Тегирмон, мойжувоз ҳамда шоли оқлаш жувозлари ишлаб турибди. Шунингдек, кичик корхона, гўшт дўконлари, деҳқон (фермер) хўжаликлари ва бошқа ижтимоий корхоналарга ҳизмат кўрсатаяпти.

Ҳужаликнинг барча соҳаларидан даромад олиш бундай имкониятларни бермоқда. Ўтган йили 940 гектар майдонга «Макс-3» ва «Унумли» навли уруғлик экилиб, 2742 тонна сара дон етиштирилди. Ўрта ҳисобда ҳосилдорлик 31 центнерга тўғри келди. Омон Мейлиев, Эргаш Холмонов ва бошқа ижарачилар бу кўрсаткични 40 центнерга етказишди. Бу йил ғаллакорларимиз 920 гектар ерда деҳқончилик қилишмоқда. Насиб этса, ҳосил бултургидан ҳам юқори бўлади...

Миришкорлар ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш ниятидалар. Жорий йилда ғалла ҳосилдорлигини кескин ошириш мақсадида барча майдонлардаги майсаларни икки марта суғориш, бир марта минерал ўғит билан озиқлантириш режалаштирилган.

Жорий йилда пахта майдонлар 700 гектарга, ҳосилдорлик эса 35 центнерга етказилади. Бунинг учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Мул ҳосил учун пухта замин ҳозирланмоқда. Барча пахта майдонлари 40-45 сантиметр чуқурликда сифатли шудгорлаб қўйилди. Ғунг, чиринди ташилиб, дала четларига компост қилиб қўйилмоқда. Бу ишларга 9 та тележка сафарбар этилаётир. 32 километр узун, калта ариқ ва зовурлар қазиб қўйилди. Бу йил пуштага экиш тажрибаси қўлланилади. Ҳозирга қадар 30 гектар майдон текисланиб жўяк олиб қўйилди. Техникани кўкламги экишга ҳозирлаш учун марказлаштирилган ҳолда таъмирлаш ишлари ташкил этилган. 20 та чопиқ, 12 та ҳайдов тракторлари ва бошқа кўплаб техника таъмирланаётир. Айни чоғда барча борона ва сеялкалар тахт қилиб қўйилди.

Х. ТЎРАЕВ.

1996 13 февраль 12 №

ФЕРМЕРЛАРНИНГ ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИ

Мамлакатимизда деҳқон (фермер) ҳўжаликларини ривожлантириш йўлида қандай натижаларга эришилмоқда? Президентимизнинг шу борадаги Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини адо этиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда? Қайси тажрибалари кенг ёйиш, қандай сабоқлардан ҳулоса чиқариш керак? 1996 йилдаги энг долзарб вазифалар нималардан иборат? Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалик вазирлигида фермерларнинг вилоятлардан ташриф буюрган вакиллари иштирокида куни кеча ўтказилган йиғилишда юқоридаги масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Бу йиғилишда Қишлоқ ҳўжалик фанлари академияси, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш», «Ўзғўштсутсаноат», «Ўздонмаҳсулот», «Пахтабанк», «Тадбиркорбанк», «Бизнес Фонд», «Мадад» суғурта агентлиги ва фермерлик ҳаракатига даҳлдор бошқа республика идораларининг раҳбарлари, мутахассислари қатнашдилар. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалик вазири М. Жуманиёзов кириш сўзи билан очиб, бошқариб борди.

Фермерлик ҳаракатига кенг йўл очишда Президентимиз томонидан 1991 йил 29 ноябрда қабул қилинган «Деҳқон (фермер) ҳўжаликларини ривожлантириш ва тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармон алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу масала мамлакатимиз ҳукуматининг доимий диққат марказида бўлиб келаяпти. Ўтган давр мобайнида фермерлик ҳаракатини янада такомиллаштириш ва давлат томонидан қўмаклашишга қаратилган Президентимизнинг учта Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг тўртта қарори қабул қилинди. Ана шу катта эътибор туфайли ҳозир республикамиздаги 21 мингдан зиёд деҳқон (фермер) ҳўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Улардан 18 мингдан ортиғи банкларда ўзларининг ҳисоб рақамларига эга. Фермерларга 264,6 минг гектар, шу жумладан 205,1 минг гектар суғориладиган ер ажратиб берилган.

Республика Қишлоқ ҳўжалик вазирлиги чорвачилик бош бошқармаси бошлиғи О. Собировнинг маърузасида таъкидланганидек, 11,5 минтга яқин фермер ҳўжалиги асосан гўшт, сут, тухум етиштириш билан шуғулланмоқда. Демак, чорвачилик фермерлик ҳаракатининг асосий йўналишларидан бири. Ҳозирги пайтда фермер ҳўжаликларида 216 минг бош қорамол, шу жумладан 67 минг бош сигир, 220 минг бош қўй ва эчки, 130 минтга парранда боқиляпти. 1995 йили фермерлар 17,6 минг тонна гўшт, 71,5 минг тонна сут, 4 миллион 939 минг дона тухум етиштириб, халқимиз дастурхонини тўкин қилишга муносиб улуш қўшдилар. Ўтган йилнинг ўзида улар гўшт етиштириш бўйича 40 фоиз, сут бўйича 30 фоиз, тухум соҳасида эса 48 фоиз ўсишга эришдилар. Курсаткичларнинг йилдан-йилга яхшиланиб бораётганлиги фермерларни ва халқимизни қувонтиради.

Йиғилишда юқори натижаларни қўлга киритаётган бир қатор деҳқон (фермер) ҳўжаликлари тилга олиниб, уларнинг иш тажрибалари диққатга сазовор эканлиги ўқтирилди. Хусусан, Нарпай туманидаги «Янгиобод» деҳқон (фермер) ҳўжалиги жонкуяр ва билимдон мутахассис Ҳикматилла Бердиеров етакчилигида қувончли натижаларга эришмоқда. Жамоа аъзолари ҳар бир сигирдан 4200 килограммдан сут соғиб олишга муваффақ бўлдилар. Гўшт сотиш соҳасида ҳам ўсишга эришилди. Бу ютуқларнинг моҳияти кўп жиҳатдан етарлича озуқа жамғарилаётгани билан изоҳланади. Фермер ўзига ажратилган 46 гектар суғориладиган, 34 гектар лалми ердан самарали фойдаланмоқда. Ғалладан 50 центнердан ошириб хирмон қутаришганлиги, жаъми 3870 озуқа бирлиги миқдорида ем-хашак жамғарилганлиги бундан далолат беради. Деҳқончилик ва чорвачиликда юқори курсаткичларга эришганлиги туфайли фермер ҳўжалигининг 1995 йилдаги ялпи даромади 1 миллион 350 минг сўмни ташкил этди.

Кўзга кўринарли муваффақиятлар қайд этилаётган деҳқон (фермер) ҳўжаликлари ҳар бир вилоятда, туманда бор. Тўрткул туманидан Холбой Ҳосилбеков, Ғиждувондан Рустам Файзиев, Қўрғонтепа туманидан Комилжон Содиқов, Олтиариқдан Одилжон Ҳикматов етакчилигидаги фермер ҳўжаликлари гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни қўлга киритиб, бошқаларга намуна бўлаяпти. Уларнинг аксарияти ушбу йиғилишда сўзга чиқиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар, қийинчиликларни қандай енгаётганларини ҳаётий мисоллар билан тўпланганларга айтиб бердилар. Улар ютуқларни таъкидлаш билан бирга фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш учун очилиши зарур бўлган муаммоларни дадил ўртага ташладилар.

Маърузада ва фермерларнинг сўзларида шундай долзарб масалаларга доир мисоллар кўплаб келтирилди. Масалан, Сирдарё тумани «Янги ҳаёт» жамоа ҳўжалиги ҳудудидаги «Бурибой» фермер ҳўжалиги 1995 йил январь ойида Гулистон гўшт комбинатига топширган чорва моллари пулини ҳозиргача ололмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Учқўприк туманидаги А. Деҳқонов раҳбарлик қилаётган «Боғбон» фермер ҳўжалигининг 102 минг сумлик, Бағдодлари Ғ. Мусурмонқулов бошлиқ фермер ҳўжалигининг эса 85 минг сумлик маҳсулотлари учун тайёрлов ташкилотлари бир йилдан буён пул утказмай, уларни сарсон қилишмоқда.

Айрим вилоят ва туманларда республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Чорвачиликда ислоҳотларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) ҳўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қарорнинг озуқа етиштириш учун ер майдонлари ажратиб бериш ҳақидаги муҳим банди тўлиқ бажарилмаётганлиги танқид қилинди. Масалан, ҳар бир шартли мол ҳисобига суғориладиган ер майдони Сурхондарё вилоятида 0,13 гектар, Қорақалпоғистонда — 0,14 гектар, Жиззахда — 0,17 гектарни ташкил этмоқда. Вақолонки, бир қатор вилоятларда бу кўрсаткич қарийб икки баравар кўп. Ёки Мирзачўл туманини мисолга олайлик. Туман ҳокимининг фермойишига асосан фермер ҳўжаликлари учун 3000 гектар ер берилди ташкил этилган. Амалда эса уларга 1027 гектар ер ажратилиб, бу борадаги топшириқ 34 фоизга бажарилган. 1995 йили туман ҳокимлигига ер ажратиб бериш юзасидан фермерлардан тушган 60 ариза қаноатлантирилмаган.

Халқимизда «Қарс икки қўлдан», деган ажойиб нақл бор. Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун ҳукумат томонидан қурилаётган қатор тадбирларга, кўрсатилаётган ғамхўрликларга баъзи туманларда, айрим деҳқон (фермер) ҳўжаликларида амалий ишлар билан жавоб берилмаётганлиги, кўрсаткичлар пастлиги кишини ажаблантиради. Масалан, 1995 йили Жиззах вилояти деҳқон (фермер) ҳўжаликларида ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут ўртача 661 килограммни, Сурхондарёда — 780, Тошкент вилоятида — 803, Қашқадарё вилоятида эса 819 килограммни ташкил этди. Бу пешқадам фермерларнинг кўрсаткичларидан тўртбеш баравар кам бўлиб, олинган маҳсулот озуқага сарфланган маблағни ҳам қопламайди.

Суғориладиган ерлардан — яъни юртимизнинг асосий ризқ-рўзи манбаи бўлган заминдан гоят кам ҳосил олиб, унинг умрини беҳуда ўтказиш кечириб бўлмас ҳолдир. Афсуски, айрим фермер ҳўжаликлари галладан, маккажўхоридан, бошқа озуқабоп экинлардан жуда кам ҳосил олмоқдалар. Хусусан, Тошкент вилояти фермерлари 1995 йили ҳар гектар ердан атиги 18,3 центнердан, Қорақалпоғистонда — 32,4, Жиззахда — 47,1 центнердан беда пичани олинди. Худди шунингдек силос учун экилган маккажўхори ҳосилдорлиги ҳам жуда паст бўлди. Бу пировард натижада чорва моллари маҳсулдорлигига салбий таъсир этмоқда.

Йиғилишда 1995 йили пешқадам деҳқон ҳўжаликларида тўпланган тажрибаларни кенг ёйиш, йўл қўйилган камчиликлардан тегишли хулосалар чиқариш, 1996 йили бу ҳаракатни янги поғонага кўтариш, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш, фермерларга банк хизмати кўрсатишни такомиллаштириш, «Ўзкимёсервис», «Ўзтехчорасервис», «Бизнес фонд», «Мадад» суғурта агентлиги сингари ташкилотларнинг ёрдамини кучайтириш юзасидан қимматли таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Ана шу идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари, мутахассислари фермерларнинг кўплаб саволлариига жавоб қайтаришди. Мулоқот чоғида қимматли йўл-йўриқлар берилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг узоғи ҳисобланган пахта етиштириш ҳажми барқарор сақланаётганлиги, дон мустақиллигига эришиш учун галлазорлар кенгайтирилаётганлиги сабабли бебаҳо бойлигимиз — суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш янада катта аҳамият касб этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда фермерларга экин майдонларидан мумкин қадар кўпроқ ҳосил олиш зарурлиги ўқтирилди. Бунинг учун такрорий, оралиқ экинлардан фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш керак эканлиги айтилди. Хусусан, арпа ва кузги буғдойдан бўшаган майдонларга силос учун маккажўхори экишни кенг йўлга қўйиш чорва озуқасини кўпайтиришнинг муҳим омили эканлиги таъкидланди.

С. САЙДАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ЕРНИ ТЎЙДИРСАНГ, ТЎЙДИРАР

Тажриба, таҳлил ва таклиф

Сўнгги йилларда республикамизда аҳолини дон маҳсулотлари билан тўла таъминлаш, ғалла мустақиллигига эришиш мақсадида кўп ишлар қилинмоқда. Жумладан, кейинги турт йил ичида суғориладиган ерларда экилган ғалла майдони 312 минг гектардан 1 миллион 200 минг гектарга етказилди. Умумий суғорилган ерлар тизимида бўғдой ва арпанинг салмоғи 9,3 фоиздан 35,8 фоизга кўтарилди. Бошоқли дон майдонларининг кенгайиши асосан ниҳоясига етказилди. Демак, энди тармоқ экстенсив ривожланишдан жадал ривожланиш босқичига ўтди. Ғаллачиликда муҳим янги давр бошланди. Бу даврда ғалла ишлаб чиқаришнинг кўпайиши фақат ҳосилдорликнинг оширилиши ҳисобига эришилади.

Шуни қувонч билан қайд этиш керакки, ғаллачиликда йилдан-йилга натижалар самарали бўлаяпти. Ғалла агротехникасига тўғри амал қилиб ишлаган Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари хўжаликлари ҳар гектар ердан 30-40 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлишди. Ҳосилдорликни 40-45, 50-60 центнерга етказган ва ундан ҳам оширган туман ва хўжаликлар сафи тобора кенгайиб бораётганлиги кўнгилларни хушнуд этади.

Бу мисоллар мамлакатимизда ғалла ҳосилдорлигини оширишда катта имкониятлар мавжудлигидан далолат беради. Аммо уртача ҳосилдорлик ҳали жуда паст...

23 январь куни республика Вазирлар Маҳкамасида ғалла ва пахта етиштиришнинг 1995 йилги якунлари ҳамда бу борада 1996 йилдаги режалар, шунингдек хўжалик ва корхоналар, ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги шартномалар тузиш масалаларига бағишланган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек «...ғалла учун унумдор бўлмаган ерлар ажратилди, агротехника тадбирларига риоя этилмади. Ғалла етиштиришга етарли эътибор берилмади». Ҳақ гап. Айрим хўжаликларда ҳосилдорлик илгор хўжаликларга нисбатан 3-4 марта оз бўлди.

1995 йил ҳосили учун кўп хўжаликлар бошоқли дон экинларни муддатидан 15-20 кун кеч экдилар, қатор жойларда экилган далалар суғорилмади! Афсуски, бир далада 2-3 йил кетма-кет бир экин экилишига йўл қўйиш ҳоллари кўп бўлди. Бунинг устига экинлар ўз муддатида етарли миқдорда тўйдириб озиқлантирилмади, навлар тўғри жойлаштирилмади, уруғ кам миқдорда сепилди.

Ғалла етиштириш технологиясининг бундай бузилиши қандай зарар ва оқибатларга олиб келишини тасаввур қилиш учун олимларнинг қўйидаги тажрибаларидан мисол келтириш кифоя. Пахтачилик илмий тадқиқот институтининг (ЎзПИТИ).Андижон тармоғи маълумотларига кўра, бир гектар ерга 125 кг уруғ сарфланганда 45,3 центнер, 175 кг да 51,4 центнер, 200 кг да 58,1 центнерга етди. Гектарига кўпроқ уруғлик сарфланганда ҳосилдорлик ортиши кузатилмади.

Институтнинг Фарғона ва Наманган тармоқларида эса ҳосилдорлик уруғ сарфига қараб мос равишда 60-70-75 ц/га атрофида бўлди.

Экиш муддатларига келсак, бўғдой 1 октябрда экилганда ўрим-йиғим 1 июнда тугатилиб, гектаридан 58-60 центнер, 15 октябрдагиси 10 июнда тугатилиб 46-52 центнер ва 30 октябрдагиси 20 июнда тугатилиб 24-36 центнердан ҳосил олинган.

Дарҳақиқат, Унсурулмаолий Кайковус ўзининг «Қобуснома» китобида бундан 9 аср олдин: «Эй фарзанд, агар деҳқон бўлсанг, барча деҳқондин шиностроқ (билимдонроқ) бўлгил ва ҳар бир экинни эксанг, вақтидан ўтказиб экмагил. Агар вақтидин ўн кун бурин экканинг икки кун вақтидан сўнг эккандин яхшироқдир» дегани ниҳоятда тўғри! Афсуски, бунга ҳалигача тушуниб етмаган деҳқон хўжаликлари ҳам бор.

Ҳар бир экиннинг ҳосили ернинг қуввати, унинг ўзи миқдорда ўғитланиб тўйдирилса катта таъсир кўрсатади.

Узбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг илмий текшириш институтининг тавсияларига кўра, ҳар гектар ғаллазорга ўртача 180 кг азот, 120 кг фосфор, 50 кг калий ўғитлари берилиши кўзда тутилган эди. Андижон, Наманган, Ноғий вилоятлари бу масалага қиддий эътибор бериб, ҳосилдорликда яхши натижаларга эришдилар.

«Узагроимесервис» ассоциацияси маълумоти бўйича 1995 йилда республикада ҳар гектар ғаллазорда илмий асосланган 180 кг азот ўрнига жамғи 95 кг, 112 кг фосфор ўрнига 37 кг берилди, калий ўғити эса умуман берилмади. Қашқадарё, Жиззах, Бухоро, Тошкент вилоятларида ҳар гектар бошоқли дон майдонига берилган фосфор ўтмиш ўтмишдан 8-15 килограммни ташкил этди. Тошкент, Қашқадарё, Хоразм, Сирдарё вилоятларида азотли ўғитлар талабга нисбатан 40-60 фоизни ташкил этган. Бу фарқ туман ва хўжаликлар бўйича яна ҳам каттадир. Калий ўғити эса ғалла экилган майдонларга уч йиллан бери солинмаяпти. Экинларни ўғитлар билан муддатлар бўйича озиқлантириш ҳам яхши бўлмади.

Кузда шўғорга ва экиш билан бирга ғаллага ўғит бериш республика бўйича экилган майдонга нисбатан 24 фоизни ташкил этди. Самарқанд, Қашқадарё, Навоий, Жиззах, Сурхондарё вилоятларида 5-15 фоиз майдонлар ўғитлаб экилди, ҳолос.

Баҳорда ҳам ғаллани озиқлантириш тўлиқ бўлмади, икки марта азотли ўғитлар билан озиқлантириш ўрнига 1,6 марта озиқлантирилди. Бу кўрсаткич Қашқадарёда — 1,1, Қорақалпоғистон Республикасида — 1,3, Навоий вилоятида 1,5 мартани ташкил этди.

Тўғри, кейинги йилларда республикамизга фосфор ва калий ўғитларини олиб келишда қийинчилик ва муаммолар пайдо бўлмоқда. Аммо қайд этилган камчиликларнинг кўпчилиги таъминотга эмас, ташкилотчиликка боғлиқдир. Кўп хўжаликларда бор ўғитлар ҳам ўз вақтида экин майдонларига сепилмай қолиб кетмоқда. Айниқса маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш ёмон аҳволда. Бу тўғрида жойларда берилган ўғитлар тўғрисида ҳатто аниқ маълумотлар ҳам йўқ. Чириган гўнг, лигнинг, товуқ гўнги, саноат ва хонадон чиқиндиларидан органик компост тайёрлаб, гектарига камида 10-12 тонна солиш мақсадга мувофиқдир.

Афсуски, пахтачиликдан фарқли ўлароқ, ғаллачиликда ўғитларни ерга солиш миқдори, муддатлари ва услуби яхши ўрганилмаган. Айниқса, ўғит тансиқ бўлган шароитда азот, фосфор ва калийни биринчи навбатда қандай далаларга берилиши, ўғитларнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида олимларимиз тавсиялар яратмаяптилар, тажрибалар ўтказилмаяпти. Эскирган тавсиялардан фойдаланилмоқда. Ваҳоланки, ғалла мустақиллигини таъминлаш чораларини излашда барчамиз масъулмиз.

Пахтачилик институтида (Ғаллаоролдаги ғаллачилик институтида эмас, афсус) ўтказилган изланишга қараганда, тажрибалар ҳар гектарга 120-150 кг азот, 90-125 кг фосфор, 50-60 кг калий солинганда ҳам 40-50 центнер ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Демак, ҳозир ҳар бир хўжалик ўз ер шароитини ҳисобга олиб, агрокимё карталари асосида ўғитлаш ишларини олиб бормоқлари лозим. Бунда энг муҳими — ерга ўғит текис сепилишига эришилиши керак.

Кузда 1996 йил ҳосили учун республика бўйича 24 фоиз майдонга экиш билан бирга минерал ўғитлар берилмай қолди. Бундай жойларга шу кунларда аммофос беришни ташкил этишимиз лозим. Бундан ташқари ҳар гектар ерга тупланиш ва найчалаш даврида тоза ҳолда 70-80 кг дан икки марта азотли ўғитлар (аммиакли селитра, карбамид) беришини амалга оширмоқ лозим.

Уттан йил баҳорида Сирдарё вилоятида озиқлантириш ишлари самолётлар ёрдамида олиб борилган далаларда ўғит бир текис сепилди, иш тез бажарилди. Бу усулдан кенг фойдаланиш жоиз.

Бошоқли дон экинлари ҳар хил бегона ўт, касаллик ва зараркунандалар билан зарарланмади. Экинлар ҳимояга олинмаса ҳосилнинг 20-30 фоизи йўқ бўлиб, сифати пасаяди. Фарғона водийсининг айрим хўжаликларини ҳисобга олмаганда, бошқа бирон жойда, яъни ғаллазорларда ҳатто оддий утоқ қилиш ҳам ўтказилмади. Кўп жойларни ҳашарот ва бегона ўт босди.

Жойлардаги мутахассислар ғаллачиликда зарарли ҳашаротларга, касалликларга ва бегона ўтларга қарши курашни кучайтиришлари шарт. Ўз вақтида кимёвий ва биологик усулларни қўллаш чораларини кўришлари лозим. Бунинг учун ҳозирданоқ тегишли гербицидлар ва препаратлар олиб келиниши зарур. Чунки ҳашаротларнинг уйғонишига кўп вақт қолгани йўқ.

Яна шуни айтиш керакки, далага кириш мумкин бўлган карталарда ола қолган жойларга уруғ сепиб қўйиш талаб этилади. Хоразм вилояти хўжаликлари тажрибаси ола ерларга февраль ойида беда уруғи сепиб қўйиш яхши натижа беришини кўрсатмоқда. Ғалла ҳосили йиғиштирилгандан кейин бу майдонлардан икки марта беда ўриб олиб, мол озуқа жамғариш имкони бор.

Табиийки, ғаллазорларни суғориш-муҳим юмуш. 1996 йилда сув тақчиллиги кутилмоқда. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга эътиборни кучайтиришимиз лозим. Ғалла парвариши давомида 2-4 марта суғорилади. Сув тармоқларининг таъмир қилиб қўйилиши жуда муҳим. Сувчиларни танлаб қўйишга алоҳида эътибор зарур. Кўп жойларда сувчилар сони оз бўлиши оқибатида дала сифатсиз суғорилади, оби ҳаёт исроф бўлади. Бунга мутлақо йўл қўйиш мумкин эмас. Ўтган йили Қоракул туманида апрель ойининг биринчи ўн кунлигида ғаллани иккинчи суғоришни якунлаш ўрнига бу иш фақат 19 фоизга бажарилди, холос. Бундай аҳвол бошқа жойларда ҳам такрорланди.

Суғориш ишларининг сифатли бўлиши ва сув исроф бўлмаслиги учун ернинг нишабига қараб марзалар узунлиги 60-120 метр қилиб олиниши керак.

Шўрҳок ерларда зарарли тузлар экин тупларини нобуд қилмаслиги учун ҳозир ерга сув берилиши, сув сарфи 600-900 м3/га ошмаслиги керак.

Р. ИСАЕВ,
Ўзбекистон қишлоқ хўжалик вазирлигининг Деҳқончилик бош бошқармаси бошлиғи,

Р. ТИЛЛИЕВ,
ЎзПИТИ алмашлаб экиш ва вильтга қарши кураш бўлими мудири.

Қиш бекорчилик фасли эмас. Буни яхши тушунган Оқдарё туманидаги «Янгиқўрғон» жамоа хўжалиги аъзолари техника таъмирини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Бу борада барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Биринчи навбатда кўкламги экиш учун механизмларни тайёр қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, устахона темирчиси Абдурасулов меҳнатидан кўпчилик мамнун.

СУРАТДА: темирчи уста Абдуқодир Абдурасулов.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ОРОЛ ДАРДИГА ДАВО ТОПГАНЛАР

Оролбўйида экология фалокати ҳақиқатан ҳам ўлкаларга этмоқда. Бу фалокат оқибатларини рақамлар яққолроқ кўрсатади. Бир неча ўн йил давомида Орол денгизи ҳажми уч баравар, зиёдроқ камайди, 4 миллион гектарга яқин шўрҳок ерлар очиб қолди. Янги саҳро бир вақтлар экин экиб келинган 2 миллион гектар унумдор ерларни қаҳрига тортди...

Экология фожиасининг қўлами унинг олдини олиш ва ўзининг дастлабки ҳолатига қайтариш мумкин эмаслигидан далолат бермоқда. Денгизни олдинги чегараларига қайтариб бўлмайди. Бироқ Қорақалпоғистон ўрмончиларининг гапига қараганда, Оролнинг қуриб қолган тубига янги ҳаёт бағишлаш мумкин ва зарур. Республика ўрмон хўжалиги қўмитаси ана шу ерларга режали асосда кўчат ўтказиш дастурини ишлаб чиқди ва у амалга оширилмоқда. Бу дастурнинг рўёбга чиқарилиши минтақадаги экология вазиятини соғломлаштиришга кўмаклашади. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу ерда барпо этилган бутазор ва дарахтзорлар ҳавони кислород билан туйинтириб, ис газини камайтирмоқда, илдизлари билан тупроқнинг кучишини мустаҳкамлаб, чанг ва қумни шамол учиришига ва қум барханлари пайдо бўлишига тўсқинлик қилмоқда. Кейинчалик бу ерда барпо этилган бутазор майдонлар яхшигина яйлов бўлиши, чорвачиликни ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Орол денгизининг қуриб қолган тубига ҳар йили 7—10 минг гектар жойга дарахт кўчатлари ўтказилмоқда. Бу жуда кўп меҳнат ва маблағ талаб қиладиган ишдир. Узбекистон ўрмон хўжалиги кўп илмий тадқиқот институти ходимлари дарахт кўчатлари ўтказиш учун яроқли ерларни аниқладилар, дарахтлар ва озуқа экинларининг маҳаллий иқлим шароитига мослашган хилларини танлаб олдилар, тупроқ таркиби турлича бўлган жойларда ихота дарахтзорларини барпо этиш технологиясини кўчма қумларни мустаҳкамлаш усулларини ишлаб чиқдилар. Бунинг учун 22 та тажриба участкасида жами 300 гектар майдонга тажриба тариқасида дарахт кўчатлари ўтказилди. Эндиликда бу дарахтзорлар ўрмон хўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқариш ташкилотлари учун ўзига хос намунали иш бўлиб қолди.

Қозоқдарё ва Чимбой ўрмон хўжаликлари денгиз тубининг қуриган қисми саҳрога айланишига қарши курашда фаол иштирок этмоқда. Бу хўжаликлар олимларнинг тавсияларидан фойдаланиб, 1994 йилнинг бошидан буён 5,3 минг гектар «ўлик» ерга кўчат ўтказди. Ўзлаштирилаётган ерлар қишлоқ ва овуллардан олисда жойлашган бўлиб, иш асосан қишда, вахта усули билан бажарилмоқда. Ўрмон хўжаликларининг ходимлари қийинчиликларга қарамай, режалаштирилган иш ҳажмини бажармоқда, ўрмон мелиорацияси усулларини қўлланиш яхши натижа бермоқда. Оролбўйи минтақаси экология муаммосини ҳал қилишга кўмаклашмоқда.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Тўкинчилик яратаётганлар

ХАЗИНА ТОПГАН ОДАМ

Кечки овқатдан сўнг дастурхонга фотиҳа ўқилди. Абдуқаҳҳор ака пахта гулли чойнакни ёнига олиб, пиёлага чой қуйди. Кун бўйи далада юриб, ҳоригани сезилди. ...Унинг ширин уйқусини момақалдироқнинг кучли гулдираши бузди. У иргиб ўрнидан турди-да, елкасига чопонини ташлаб, кўчага чиқди. Дала шийпонига борганида ҳамма аъзолар тўпланиб туришарди. Уларни тушкунликка тушмасликка, ёмғир тинса узоғи билан икки-уч кунда чигит экишга киришажакларини айтди.

Эрта баҳорда 81 гектар ерга ипак пахтанинг «Термиз-24» навли чигити қадалди. Барака уруғи тупроқнинг табиий намида ундириб олинди. Ниҳолларни яганалаш юксак агротехника қоидаларига мувофиқ амалга оширилди. Ниҳолларни озиқлантириш, бегона ўтлардан тозалаш соз ўтказилди. Ғўза парваришида Асом Раҳимов, Неъмат Худойқулов, Шуҳрат Тураев сингари механизаторлар, Гулабзал Насриддинова, Саодат Тураева каби жамоа аъзолари астойдил меҳнат қилдилар.

Ҳамқишлоқларининг ҳазил-ҳузул гапларига қараганда, Абдуқаҳҳор Абдуллаев далада олтин топганмиш. Уларни ҳисобкитоб қилолмаслан юрганлиги сабабли ўйига ҳам кам келармиш. У олтин топган далани тарк этмайди. Ҳосилни йиғиб-териб олиш уюшқоқлик билан бошланди. Қишлоқ аҳолиси ҳам бригада пахтакорларига ёрдам беришди. Мул ҳосил тез кунда саранжомланди. Гектаридан режадаги 30 ўрнига 40,2 центнердан аъло нав пахта териб олинди. Қабул пунктига 243 тонна ўрнига 326 тонна қимматбаҳо ипак пахта етказиб берилди. Режадан ташқари 83 тонна пахта сотилди. 256 тонна ипак пахта биринчи навга қабул қилинди. Шунингдек, ғалла, сабзавот, мевадан 460 минг сўм атрофида даромад кўрилди. Бригада аъзоларининг маоши ҳам чакки эмас.

«Олтин топган одам»га қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам омад кулиб боқди. 2 гектар ерда арпанинг «Болғали» навини етиштириб, гектаридан 53,5 центнердан ҳосил кўтарди. Давлатга 10,7 тонна ҳосил топширилди. 4 гектар ерга бўғдойнинг «Сангзор-8» нави экилганди. Ҳосилдорик 52,2 центнерга кўтарилди. Ғалладан бўшаган ерларга қовун-тарвуз, сабзи, шолғом уруғлари сепилди. Етиштирилган сабзавот ва полиз маҳсулотлари бригада аъзоларига текинга берилди. 3 гектарда мевали боғ барпо этилган. Бу йил боғ ҳосилга киради. Тадбиркор бригадир боғ қатор орасини ҳам бўш қолдирмайди. Унга помидор, сабзи, пиёз, ошқовоқ эктирмоқда.

Унинг йиғитлик даври Қарши чўлини ўзлаштириш, боғбустонга айлантириш билан кечган. 1969 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчилик факультетини битирган. Абдуқаҳҳор Абдуллаев иш фаолиятини «Майманоқ» жамоа хўжалигида бошлади. Олти йил боғдорчилик бригадасига етакчилик қилди. Узумнинг эртапишар, серҳосил навларини яратди. Чўл хўжаликларига мингминглаб мевали кўчатлар етказиб берди. Пайванд йўли билан ўрик, олма, қўксултон, қароли ва бошқа мевали дарахтларнинг янги навларини яратди. 1975-80 йилларда у У. Юсупов туманидаги Автономов номли 24-жамоа-ширкат хўжалигида ширкат раиси вазифасида ишлади. Чўл шароитида пахта етиштириб, ўзини кўрсатди. 1980-88 йилларда «Майманоқ» жамоа хўжалигига бош ҳосилот этиб тайинланди.

Хазина излаб, ерга меҳрини қўйган Абдуқаҳҳор Абдуллаев деҳқончиликнинг қайси бир соҳасига қўл урмасин, баракали ҳосил етиштиришнинг уддасидан чиқди. Аммо мевали дарахтга тош отилади деганларидек, унинг устидан турли идороларга юмалоқ хатлар ёзилган пайтлар ҳам бўлган. Бундай ёзувлар помидордан 1000 центнердан, силосга экилган маккажўхорининг гектаридан 650 центнер кўппоя олинганда авжига чиққан. Ўшанда текшир-текширлар бошланиб, Абдуқаҳҳор Абдуллаевнинг бошига қора булутлар соя солганди. Аммо у туҳматлардан қўрқмади. Вилоят ва республикадан текширишга келган комиссия аъзолари олдида узининг ҳақ эканлигини исботлади. Вакиллар унинг меҳнатига тан бериб, изларига қайтиб кетаверишди.

Деҳқончиликка умрини бахшида этган Абдуқаҳҳор Абдуллаев 1985 йилдан буён Касби туманидаги «Москва» жамоа-ширкат хўжалигида бригада бошлиғи. Ҳалол меҳнати билан қадр топяпти. Бева-бечораларни ижтимоий ҳимояга олиб, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаяпти. Режадан ташқари етиштирилган ғалла, сабзавот, полиз ҳосилидан бир қисмини арзон нархда қишлоқдошларига сотяпти. Айни кунларда у яна эртаю кеч далада. 25 гектар ерда усаётган бўғдойдан мул ҳосил олиш тараддудини бошлаб юборди. Пахта экиладиган майдонларни тайёрлашда ҳамма ишга ўзи бош-қош бўлмоқда. Мақсад — 1995 йилги муваффақиятларни бу йил янада кўпайтириш.

Жўра ЮСУПОВ.

Қонликўл тумани сув хўжалиги бирлашмаси ишчилари суғориш ва сув иншоотларини тозалаш ишларини ўз вақтида бажаришмоқда. Яқинда бирлашма Бўзатов ва Қонликўл туманларини боғловчи сув иншоотини Амударё кўприги орқали олиб ўтиш ишларини муддатидан илгари бажаришди. Сув йўли қарийб 200 километрга қисқарди.

СУРАТДА: туман сув хўжалиги бирлашмаси бошлиғи Аралбой Сарсенбаев (ўнгдан иккинчи) таъмирлаш бригадаси аъзолари билан бажариладиган ишлар хусусида суҳбатлашмоқда.

А. МУРАТОВ олган сурат. (ЎзА).

ҚЎШМА КОРХОНА

«Марҳамат подшипник заводи» ҳиссадорлик жамияти ва Россия Федерациясининг Саратов шаҳридаги ихтисослаштирилган подшипник заводи меҳнат жамоалари ҳамкорлигида ташкил этилган «Узросподшипник» Узбекистон — Россия қўшма корхонаси маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

Марҳаматликлар янги қўшма корхона учун иш майдони, замонавий жиҳозлар, ишчи кучи ажраттан ва тайёр коммуникация хизматини ташкил этган бўлса, саратовликлар бу ерга янги технология, хом ашё, бутлов материаллари, керакли детал ва мосламаларни олиб келишди.

«Узросподшипник» жамоаси ишнинг бошланишиданоқ, Т-4 тракторига мўлжалланган икки турдаги маҳсулот чиқара бошлади. Йилнинг охирига бориб, қўшма корхона автомобиль саноати корхоналари ва тракторсозлар ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналари учун подшипникларнинг саккиз хилини тайёрлай бошлайди.

Жорий йилда «Узросподшипник» қарийб 500 минг дона подшипник ишлаб чиқаришни мўлжалламоқда.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МУТАНОСИБЛИК

Жаҳон тадбиркорлик тажрибасидан

Мутаносиблик — паритет кўпдан бери мавжуд бўлиб, вақти-вақти билан кутарилиб туради. Бу кўпинча хўжаликларнинг даромади билан маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган сарф-ҳаражатлар орасида номутаносиблик рўёбга чиққан вазиятда кўтарилади. Ҳозир номутаносиблик анча кескинлашган пайт.

1995 йилда пахта, ғалла, мева, сабзавот етиштириш ҳажми 1994 йилга нисбатан ошган бўлса ҳам кўпчилик хўжаликлар йилни зарар билан якунладилар. Масалан 180 та хўжалик зарар билан, 570 таси 15 фоизгача фойда билан тамомлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш таннархи йилдан йилга ортиб бормоқда. Таннарх таркибида сқилги, эҳтиёт қисмлар, техникага кетган ҳаражат 15—18 фоизни, ўғитга кетгани 8—10 фоизни, иш ҳақига тўланган ҳаражат эса 58—85 фоизни ташкил қилган. Кўп ҳолларда иш ҳақи олинадиган даромадга қараб эмас, эришилган меҳнат ҳақи даражасига нисбатан тўланган. Баъзан хўжалик бўйича тўланган иш ҳақининг ялпи миқдори олинган даромаддан ошиб кетган ҳоллар ҳам учраб туради. Бундай жамоада ҳисоб-китоб, молия ишлари қониқарсиз даражада ташкил этилган. Таннарх таҳлил қилинмайди, олдиндан режалаштирилмайди. Унинг устига қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ўта паст бўлиб, кўп одам билан кам маҳсулот ишлаб чиқарилади. Масалан, АҚШда бир йилда 2,2 миллион киши 200 миллиард долларга яқин маҳсулот ишлаб чиқариб, шундан 36-40 миллиард долларини четга сотилади.

Бизнинг қишлоқ хўжалигимизда эса 3,7 миллион киши банд бўлиб, фақат Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги хўжаликлар 1995 йили 180 миллиард сумга яқин маҳсулот ишлаб чиқаради. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган ўғит, енилги, техника, эҳтиёт қисмлар нархи жаҳон бозори нархига яқинлашиб, ҳатто ундан ҳам ошиб кетди. Лекин қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи жаҳон бозоридагидан бирмунча паст. Шу боис паритет ҳозирги кунда долзарб мавзуга айланмоқда.

Паритет нима? У қандай маънони англатади? Паритет — лотинча сўз бўлиб, у тенглик деган маънони билдиради. Паритет деганда тенг қийматли, тенг муносабатлар, бир хил вазият, томонларнинг тенглик асосидаги музокараларидир. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти билан саноат маҳсулоти баҳолари орасидаги паритет тармоқда меҳнат қилувчи аҳоли ва хўжаликларнинг сарф-харажатлари ва даромадига таъсир кўрсатувчи омилдир. Баҳо орқали қишлоқ хўжалиги билан саноат маҳсулотлари орасидаги муносабат белгиланади. Масалан, саноат маҳсулоти нархи кутарилиб кетса, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ҳам миқдорини кўпайтиришга тўғри келади. Бундай вазиятда меҳнат унумдорлигини ошириш ва ҳаражатларни камайтириш зарур.

Узбекистонда қишлоқ хўжалиги билан саноат орасидаги мувозанатни таъминлаш учун ҳукумат зарур чора-тадбирларни кўраяпти. Бу борада қатор имтиёзлар мавжуд. Қишлоқ аҳолиси учун электр энергиясининг паст нархда бўлиши, енилгининг муқобил нархда етказиб берилиши, сув учун ҳақ олинмаслиги, илмий-текшириш ишларига, ижтимоий масалаларни бюджетдан ажратилган маблағ ҳисобига амалга оширилиши паритет масаласини кўп жиҳатдан ижобий ҳал қилиш имконини беради. Умуман олганда қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари орасидаги паритет мураккаб масаладир. Буни сунъий равишда ечиб, қишлоқ хўжалик маҳсулоти нархини ошириб еки саноат маҳсулоти нархини пасайтириб ҳал қилиб бўлмайди. Бозор иқтисодиёти шароитида нархни талаб ва таклиф белгилайди.

Эҳтиёж талабларига қараб нарх доимо ўзгариб тради. Ҳатто АҚШда ҳам қишлоқ хўжалиги билан саноат ўртасидаги паритет муносабати 1:0, 52—0,54 орасида ўзгариб туради. Бунинг маъноси саноат маҳсулотининг нархи 1 га тенг бўлса, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти унга нисбатан 52—54 фоизни ташкил қилади. Орадаги тафовут бюджет ҳисобидан бартараф қилинади. Лекин паритетни таъминлаш механизми пухта ўйланган.

Дунеининг кўпчилик ривожланган мамлакатларида қишлоқ хўжалигига катта «дотация» берилади деган гап бор. Аммо ҳеч бир мамлакатда бундай бўлмаган. Фақат совет давлати даврида дотация берилган. Лекин маблағлар қумга сув сингандек ҳеч қандай ўзгаришга олиб келмаган. Давлат томонидан берилган миллиардлаб сумлар изсиз йўқолиб кетаверган. Масалан, ёрдам эвазига олинган автомашина, трактор, комбайн ва бошқа техника бор-йўғи 3—5 йил ишлатилиб, кейин ишдан чиқар эди. Қишлоқ хўжалиги билан саноат орасида паритет тўла бўлмаслигининг яна бир сабаби улар етиштирадиган маҳсулотга сарфланадиган меҳнатнинг бир хил эмаслигидир. Гап шундаки, саноат маҳсулотининг конструктив тузилиши ва технологик жараёни мураккаброқ. Шу боис уни ишлаб чиқарадиган ишчиларнинг малакаси ҳам юқорироқ.

Қишлоқ хўжалигида ишлайдиган мутахассислар кўпроқ агроном, биолог, иқтисодчи бўлса, саноат корхоналарида меҳнат қилаётганлар инженер-механик, инженер-электрик, электроника, электротехника, металлургия бўйича мутахассислардир. Агар юқорида санаб утилган мутахассисларнинг ўқитиш дастурларини таҳлил қиладиган бўлсак, қишлоқ хўжалигида ўзлаштириши нисбатан енгил фанлар — кимё, биология, агрономия, агротехника, иқтисодга оид. Саноатда ўқитиш дастурига эса анча мураккаб ва қийин предметлар киради. Уларга математика, физика, электроника, ҳисоблаш техникаси, амалий математика, информатика, технология, ишлаб-ҳалаш, жараёнларни автоматлаштириш ва ҳоказолар. Бу фанларни ўзлаштириш кўпроқ қобилият ва катта қуч талаб қилади. Ундан ташқари саноатда механизациялаш, автоматлаштириб, роботлаштириш даражаси қишлоқ хўжалигига қараганда анча юқори. Бу соҳада меҳнат унумдорлиги, меҳнатни ташкил қилиш ва ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш ҳам юқори. Шунинг учун ҳам улар орасида тўла паритетни таъминлаш қийин. Лекин қишлоқ хўжалигида ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш, кам ишчи кучи билан кўп маҳсулот ишлаб чиқариш, қўл меҳнатини камайтириш, механизациялаш, автоматикалаштириш ҳисобига паритетни бирмунча ҳал қилса бўлади.

Кўпчилик ривожланган мамлакатларда бюджетдан қишлоқ хўжалигига ёрдам бериш механизми ишлаб чиқилган. Масалан, АҚШда тармоққа ёрдам бериш механизми қўйидагича: ҳар йили давлат фермерлар билан пахта, ғалла ва бошқа маҳсулотларга шартномалар тузади. Маҳсулотнинг нархи биржада унга белгиланган нархдан 15 фоиз баланд қилиб олинади. Агар маҳсулотни етказиб берадиган вақтда нархлар шартномадагидан баланд бўлса, давлат шартномадан воз кечиб фермерга маҳсулотини биржада сотишга рухсат беради. Агар нарх биржадагидан паст бўлса, унда давлат маҳсулотни сотиб олади. Давлат заҳирадаги маҳсулот ҳисобига айрим йилларда ҳосил яхши бўлмаса ҳам биржадаги талаб ва таклифларни эътиборга олиб нархни бир меъёрда ушлаб туради.

Шу боис фермерларда маълум миқдорда даромадга эгалик имкони бўлади. Фермер ҳар бир тонна маҳсулотига юқори нархда ҳақ олади. Кўп етиштирган кўп ва кам етиштирган оз ердам пули олади. Совет даврида эса етиштирилган маҳсулот миқдоридан қатъий назар, барча хўжаликларда машиналар, тракторлар, ўғит ва ёқилги, пул маблағи баробар тақсим қилинар эди. Бу усул узини оқламади.

Паритетни яна бир мисолда кўриш мумкин. АҚШда фермерларнинг ўртача йиллик даромади кейинги беш йил мобайнида 29—34 минг долларни ташкил қилди. Саноат корхоналарида эса 39—45 минг доллар орасида ўзгариб турди. Албатта, бу кўрсаткичларда, аввало ишлаб чиқариш самарадорлиги ўз аксини топади. У эса кўп омилларга боғлиқ: талаб ва таклиф, иқлим шароити, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, бошқариш, ташқи омилларнинг таъсири ва бошқалар.

Паритетни таъминлаш учун АҚШ ҳар йили 300-350 миллиард доллар маблағни бюджетдан ажратиб, унга маҳсулот сотиб олади, суғориш иншоотларини қуради, илмий муаммоларни счишга, зараркунанда, ҳашаротларга қарши кураш усулларни ишлаб чиқилишини ривожлантиришга ажратади. Ҳукумат ажратган маблағ ҳисобига қишлоқ жойларини ичимлик сув, газ, йўл ва ободонлаштириш ишлари билан таъминлайди.

Хуллас, паритетни таъминлаш учун асосий эътиборни ер, сув, техника, ўғит, ишчи кучидан самарали фойдаланишга қаратилиши керак.

С. САЛИМОВ,
иқтисод фанлари доктори.

14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган кун

БОБУР БОҒЛАРИ

Серқирра ижодкор, адолатли шоҳ Бобур асос солган бобурийлар сулоласи ўз ҳукмронлиги давомида Ҳиндистон маданияти, адабиёти ва санъати ривожига катта таъсир кўрсатди. Маърифатли шоҳ қирғин-барот урушлар, хонавайрон қилувчи резиликлар, арзимас можаролар туфайли қон тўкиш ўрнига, мамлакатни иқтисодий ривожлантириш, бунёдкорлик ишларини, боғ-роғлар яратишни асосий мақсад қилиб қўйган эди. Бобур мамлакатни ободонлаштириш, гўзаллаштириш ишларини ташкиллаштирди. У Қобулда ҳам кўпгина боғлар яратди, дунёга дугвор чинорлари кўкка бўй чўзиб турадиган Шаҳрорбоғ, Чорбоғ, Боғижиловхона, Уртабоғ, Сувратбоғ, Боғи Моҳтоб, Боғи Оҳухона, Боғи Вафо ва Насиб боғ шоир шуҳратига шуҳрат қўшди. Бобурийларнинг ўтмишдаги ўтмишлари Бобурга ўхшаб табиат шайдоси эдилар. Ҳиндистонда Бобурнинг пойтахти Аграда (Секандарда) яратган боққа сарв, чинор ва пальма кўкатлари экилган. Чинор Кашмирнинг миллий дарахти ҳисобланади. Бу сулоланинг яна бир вакили Жаҳонгир ҳам бобокалонларидан қолишмайдиган Кашмирда Шалимар, Атҳабала ва Веринаг, Ғарбий Покистонда (Лоҳурда) Дилкушо боғларини яратди. Жаҳонгирдан кейин Шоҳ Жаҳон Аграда бутун дунёга машҳур Тож Маҳал, Деҳлида Қизил Қалъа ва ҳашаматли иншоотларини қурдирди. Улар агрофи боғлар билан ўралгандир. Бобурийлар нафақат ўзларидан боғ-роғлар қолдирдилар, балки жуда катта адабий мерос ҳам қолдирдилар. Бундан ана шу боғларнинг ҳам ўзига яраша хизмати бор.

Бобурнинг энг йирик асари «Бобурнома» ўзи бутун дунёга машҳур қилди. У тарихий-адабий асар бўлиши билан бирга, ўзбек наҳвининг қимматли ёдгорлиги ҳамдир. Шу билан бирга, у жуғрофия, этнография, табиат, табобат ва бошқа кўплаб соҳалар бўйича ҳам бой маълумотлар берувчи ноёб асардир.

Нодир асарнинг яна бир муҳим қирраси борки, унда ҳикматли сўз ибора ва фикрларга ҳам жуда кенг ўрин берилган. Бундан асарнинг адабиёт ва ҳикмат бирлиги ошириш билан бирга, ҳар бир ўқилган ва ўқилаётган ҳаётий кузатишлари ва тажрибаларининг маҳсулидир. Ҳикматлар билан яқиндан танишган ва ўқувчи, улуғ бобокалонимизнинг нақадар донишманд зот бўлганлигини ҳис этади. Энг асосийси: бу ҳикматларни қалбига жо қилган ҳар бир инсон ўз маънавий дунёсини янада бойитади.

Биз кўпдан сиз, нозиктаъб муштарийларга буюк бобомиз Бобурнинг бой хазинасидан митти ёқутчалардек ҳикматларини тақдим этдик.

***

Қўлдан келганча ҳеч бир дилга озор берма! Дилдан чиққан бир оҳ бир жаҳонни барбод қилади.

***

Ёмонлик қилганингдан кейин, офатлардан эмин бўлма, чунки табиатнинг берадиган жазоси аниқдир.

*****

Ишлар ўз вақтида бажарилиши керак: вақтида бажарилмаган иш суст бўлади, суст.

******

Ейдигани, киядигани бўлмаган киши илм ва ҳунарга қандай урина олсин.

*****

Енгилтак аччиқланганда тиғ билан қўлин кесар, сунғра афсус қўли орқасин тиш билан чайнар.

****

Паришон ёмон жиловсиз.

***

Ваҳму усраттин амоне топтуқ,
Янги жон, тоза жаҳоне топтуқ.

***

Оламни мардлик ва зўрлик билан олдик, лекин ўзимиз билан ўрга олмадик.

****

Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглимдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

*****

Кучинг етар экан, оловни шу он ўчир, агар аланга олса, жаҳонни куйдиради. Душманни ўқ билан уришга қодир экансан, унинг камон керишига қўйма.

****

Енгилган сафга бир «ҳой» кифоядир.

***

Агар юз йил ва агар биргина кун яшасанг ҳам, кўнгил очувчи бу қасрдан кетиш керак бўлур.

****

Ўн дарвеш бир гиламда ётади, аммо икки подшоҳ бир иқлимга сиғмайди. Марди Ҳудо бир ноннинг ярмини еса, қолган ярмини дарвешларга беради: подшоҳ эса бир иқлим мулкини олса, яна бошқа иқлимни ҳам олиш фикрига тушади.

****

Қобул аркида май ич, косани кетма-кет айлантирки, бу ер ҳам тоғ, ҳам даре, ҳам шаҳр, ҳам саҳродир.

***

Шаҳар дарвозасини ёпиб бўлади-ю, душман ўзини ёпиб бўлмайди.

****

Сен ўзингга ёмонлик қилувчини турмуш ҳукмига ҳавола қил. Турмуш сенга ўч олиб берувчи хизматкордир.

****

Ов кетидан юришинг билан чангга ботдинг, қизғин юракка таъсиринг билан терга ботдинг.

****

Яхши кишининг ҳонасидаги ёмон хотин шу дунёнинг ўзидаёқ унинг дўзахидир.

****

Шуҳрат билан ёлланишни ҳакимлар иккинчи умр, демишлар.

***

Шўр тупроқ ерда сунбул битмайди, ундай ерда умид уруғини нобуд қилма. Шунга ўхшаш, ёмонларга яхшилик қилиш ва яхшиларга ёмонлик қилиш ҳам ўрнида бўлмайди.

***

Агар олам тиғи ўз жойидан қўзғалса, Худо хоҳламаса бирор томирни ҳам қирқолмайди.

***

Зўғм билан айтилган сўз шу даражага етказадики, қадимий ҳонадонларни вайрон қилиб юборади.

***

Еш киши ойнага қараб нима кўрса, кекса одам хиштга қараб, ундан ҳам яхшироқ кўради.

****

...беҳамият ....ҳеч қачон хушбахтлик юзини кўрмайди. У ўз гавдасини қутқариб хотин, бало-чақасини ёмон ҳолда қолдиради.

****

Шукур қилсанг, неъмат фаровон бўлади.

****

Ким улар ҳолатга етса, ул билур жон қадрини.

****

Қачонгача гуноҳ ишлардан завқ оласан, тавба ҳам бемаза эмас, ундан ҳам тотиб кўр.

****

Яхши ном билан ўлсам, шу етади, менга яхши ном керак, тана эса ўлим учундир.

****

Ташвишланиш, ҳовлиқиш важсиздир. Худонинг тақдири нима бўлса, шундан бошқаси бўлмайди.

****

Жаҳонгирлик тутгаб турмайди, ким яхши тиришса, жаҳон ушанки бўлади.

****

Унинг қаро сочида дил боғлаганимдан бери, оламнинг бесаранжомлигидан қутулдим.

Тўпловчи:
Баҳодир ВАЛИЕВ.

ФАЗИЛАТИ МИНГ ОЙДАН АФЗАЛ КЕЧА

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим!

Муборак Рамазон ойида рўза ибодатидан ташқари яна бир қанча муҳим тарихий воқеалар ҳам қайд этилган. Шулардан энг муҳими — Рамазон ойининг 27-кунига ўтар кеча — «Лайлатул қадр» (тақдир кечаси)дир. Ислом таълимоти асоси ва саҳобалар шаҳодатича, Қуръони карим айнан шу «Лайлатул қадр» тунида илк марта нозил бўлган. Бақара муқаддас китобда ҳам баёнлар бор. Бу тун йилнинг энг яхши кечасидир. «Лайлатул қадр» улуғ айём сифатида алоҳида ҳисобланади. Унинг муқаддаслиги шунда, Қуръони каримнинг «Ал-қадр» сураси «Бу кечанинг фазилати минг ойдан ҳам афзалроқдир», дейилган. Бу байрамда қалби поклаш, виждонни сайқаллаш учун ибрат қилинади. Аллоҳга бўлган эътиқодни янада кучайтириш учун мусулмонлар бу қани бедор, уҳламасдан ибодат билан ўтказадилар.

Муҳаммад алайҳиссалом: «Кимки Лайлатул қадр кечасини имон билан ва савоб умидда бедор ўтказса, унинг барча гуноҳлари кечирилади», деганлар. Шу боис кечани наоз ўқиш, дуо-илтижо қилиш, истиғфор айтиш ва Қуръони карим қироати билан ўтказиш пайғамбар суннатидир. Бу кечада осмон фаришталари Жаброил алайҳиссалом билан бирга ер юзига тушиб, мўмин-мусулмонларга салом айтиб туришлари, тонг саҳаргача аҳли иймон бандаларга Одоҳнинг раҳмати ёғилиб туриши, ҳар икки бу кечада чин ихлос ва иймон билан бедор бўлса, унинг гуноҳлари мағфират қилиниши бу кечанинг ниҳоятда улуғ фазилатларга бой эканидан далолат беради.

Муҳаммад Мустафо алайҳиссаломнинг Ҳадиси шарифларида айтилишича, Рамазон ойининг ҳамма кечалари ва кунлари Аллоҳнинг мағфиратига муносибдир. Бу ойнинг 30 куни ўч даҳага бўлинади. Унинг биринчи ўн кунлиги даҳаси — Даҳаи Раҳмат деб, иккинчи ўн кунлиги — Даҳаи Мағфират ва учинчи ўн кунлиги — Даҳаи «Иктун минан нор», деб номланган.

Рўза кунлари тонг-саҳардан шом тушгунча ейиш-ичишдан, шаҳват ишлардан, ёмон хулқлардан тийилиб юришимизни, ҳар қанча оч қолганда ҳам, чанқоқ бўлганда ҳам, лаззатли таомлардан бир луқма, бир томчи сув ичмай сабр-тоқатимизни, эътиқодимизни бағишлаганимизни кўриб турувчи — кенг карамли Аллоҳ айтар экан: «Иймон-эътиқодли бандаларимнинг матонатини томоша қилинг! Шунча ноз-неъматларни ҳозиру нозир қилиб қўйган бўлсаму, менга бўлган муҳаббати, эътиқоди, ишончи, умиди туфайли бу лаззатлардан ўз иймон-ихтиёри билан воз кечса-я! Бундай солиҳ бандаларимга берган ваъдаларимга вафо қилгувчиман!»

Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларидан бирида — «Уч кишининг ибодати рад этилмай қабул бўлади: оғиз очаётган рўзадорнинг дуоси, адолатли давлат раҳбарининг дуоси ва ноҳақ жабр кўрган кишининг дуоси», — дейилиши ҳам бу ибодатнинг нечоғлик буюклигини яққол далилидир.

Аллоҳ рўзани мусулмонларнинг ҳар қайсисига ҳар вақтда эмас, балким уларнинг биргаликда бу ибодати фарзни муайян бир вақтда адо этишлари учун рамазон ойини тайин этди. Барча мусулмонлар бу даврда иймон, поклик, ҳалоллик, Яратгандан қўрқиш, унинг буйруқларини бекамиқўст адо этиш, ҳусни хулқ муҳитига киралилар. Бу ойда яхшилик ва эзгуликлар кўпаяди, номақбул қилиқлар камаяди. Бойлар бойликларини Худо йўлида кўпроқ сарф-лайдилар. Бундан бева-бечора, етим-есир, илми-толиблар, истеъдодли болалар баҳраманд бўладилар. Бу ойда қилинган барча дуо-илтижолар, ҳайр-эҳсонлар қабул бўлгусидир.

Авазхон Ҳожи ибн ҲАЙДАР,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси мутахассиси.

● Боболар сабоғи

ЭСКИ ЧОРИҚ ҲИКМАТИ

Инсон ўз тарихини ўзи яратади. Бировлар ёрдамида уни суний равишда ўзгартиришга ҳаракат қилиш самимиятдан нишона эмас. Негаки, ҳеч ким бировнинг қалби билан бўлиқни ҳис қилмайди ёки бировнинг йўриғи билан иш тутмайди. Баъзан «инсонни мансаб ўзгартиради» деган сўзлар қулоққа чалиниб қолади. Оқу қорани таниган киши учун мансаб ўткинчи бир нарсадир. Ундан фойдаланиб элнинг дилини оғритиш, турли қинғирликларга қўл уриш катта гуноҳдир. Ўзбекона урф-одатларимиз ҳам бундай иллатларга йўл бермайди. Мен бу гапларни бежиз ёзмаяпман. Узоқда ярқираб кўринган саробга интилувчилар дастлаввал ўз хатоларини тушуниб етишмайди. Бунинг сабаби шуки, улар ҳар қандай ишни ўз қаричлари билан ўлчашади.

Ривоят қилишларича, қадим замонларда бир чўпон қирда қўй боқиб, тирикчилик ўтказаркан. Бойнинг қўйларидан биронтаси талофатга учраса ўша куни чўпонга обиёвғон ҳам берилмас экан. Шундай бўлса-да чўпон эл тинчлиги, юрт фаровонлиги учун сидқидилдан ҳалол меҳнат қиларкан. Кунларнинг бирида юрт подшоси оламдан ўтибди. Мамлакатга шоҳ танлаш учун бахт қушини осмонга учиришибди. Қуш айланиб-айланиб келаб ўша чўпон йигитнинг бошига қўнибди. Қуш янглишди дея қайта учиришса, барибир чўпоннинг бошига қўнаверибди. Йигит юртнинг одил подшосига айланибди. Муҳими шундаки, чўпон йигит эски чориғини ўз кошонасидаги қўринарли ерга осиб қўйибди. Буни қурган вазир подшога мийиғида кулиб, шундай деди:

— Энди бу эски чориқдан воз кечишингиз лозим! Салтанатингиз қуркига дог бўлиб турган бу зормандани чиқариб ташлашга изн бергайсиз...

— Эй, менинг маслаҳатгўйим! Шуни яхши билиб олингки, бу эски чориқ менга кўп нарсани эслатиб туради, — жавоб қилибди у. — Инсон ўзлигини унутган куни тубанлик ботқоғига ботиб кетгай. Бу чориқ оддийликнинг белгисигина бўлиб қолмай менинг асли кимлигимни билдиради. Ўша чориқни судраб салтанатга эга бўлдим. Зарур бўлса, эртага яна чўпонлик қилишга тайёрман.

Бу бир ривоят, Аммо унинг замирида катта маъно бор. Жамият тараққиётига муносиб улуш қўшиш ҳар бир кишининг муқаддас бурчига айланмоғи керак. Негаки, эрта бир кун келажак авлод ўтган ҳар бир инсоннинг эзгу ишларига қараб баҳо беради. Оллоҳу таолло ҳам юрт ва эл ишига ўзини бағишлаганларни ҳамиша ёрлақайди. Ким бўлишимиздан қатъий назар, фақат эзгулик ва ҳалоллик йўлида машаққатларни енгиб борсак саодатли юртнинг содиқ фарзандлари қаторидан ўрин олишимиз мумкин.

Ғайрат БОБОҚУЛОВ.
Ғузалкент тумани.

Мустақил республикамиз дунё мамлакатлари билан дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро олди-берди муносабатларини кенг йўлга қўйди. Фарғонада иш бошлаган «Ўзсаламан» қўшма корхонаси ана шундай ҳамкорликнинг меваси дир. Уни ташкил этишда германиялик бирадарлар 500 минг марка миқдорида маблағ ва 2 миллион марка қийматидаги дастгоҳлар билан ҳисса қўшган бўлсалар, ҳукуматимиз эса қўшма корхона эҳтиёжи учун 2 миллион 150 минг немис маркаси ажратди. Корхонани ҳом ашё билан таъминлашни Германия томони ўз зиммасига олган. 18 нафар фарғоналик пойафзалчилар Германиянинг «Саламандер» фирмасида бўлиб, ўз маҳоратларини ошириб қайтдилар.

СУРАТДА: жамоанинг қўли гул, уста тикувчиси Саодат Турғунова.

Ш. ОЛИМОВ олган сурат. (ЎзА).

30 ТУРДАГИ МАҲСУЛОТ

«Ахсикент» ўзбек-турк қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг сифати, гўзаллиги ва чидамлилиги билан харидорлар эътиборини қозонмоқда. Турақўрғонда жойлашган бу корхонада 30 турдаги истеъмол моллари тайёрланиб, элга тухфа этилмоқда. Айниқса, аёллар ва болалар ички кийимлари, турли фасондаги халатлар, иш кийимлари ва бежирим рўзғор ашёларни меҳнаткашлар суюб харид қилишмоқда. Ўтган йили 4 миллион сўмдан ортиқ маҳсулот тайёрлаган жамоа аҳли, бу йил ички имкониятларни ўрганиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш йўлини излашмоқда.

ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ

Бухоро аҳлининг тоза ичимлик сувига бўлган талабини Дамҳўжа суви омбори бирмунча енгиллаштирган бўлса-да, чекка туманларда бу ҳамон муаммо бўлиб турибди. Вилоятдаги «Оби ҳаёт» фирмаси тадбиркорлари савобли ишга қўл урдилар. Улар чет эллик мутахассислар билан шартнома тузиб, тоза сувни шиша идишларга қуйиб, аҳолига етказишга аҳд қилишди. Хорижлик ҳамкорлар бухоролик тадбиркорларни қуйиш линиялари билан таъминлайди. Насиб бўлса, тез кунда вилоятнинг барча аҳолиси тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлади.

МАРМАР УСТАЛАРИ

Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги «Кўкча» акционерлик жамиятига қарашли мармар заводи дастлабки маҳсулотни чиқарди. Янги корхонанинг барча жиҳозлари Узбекистонда тайёрланган.

Корхонанинг 70 кишилик жамоаси учун ётоқхона, ошхона ва ҳаммом қурилган.

Заводда Ғозғон мармари ва «Кўчат» конидан келтирилаётган хомашёдан халқаро стандарт даражасида қоплама плиталар тайёрланмоқда. Мармар усталари кейинчалик мармардан гулдон, безак тошлари ва бошқа турли буюмлар ишлаб чиқаришни мўлжаллашмоқда.

ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Андижон тумани маркази — Куйганёр шаҳарчасида янги автобус шохбекати очилди. Икки ойда қуриб битказилган бу автостанцияда ҳайдовчи ва йўловчилар учун барча қулайлик яратилган. Шохбекат туман маркази катта йўллари кесишадиган жойда қурилгани туфайли йўловчилар Пахтаобод, Маданият, Чинобод, Пойтуг каби қишни туман марказлари ҳамда аҳоли пунктларига, шунингдек, Наманган вилоятининг Учқўрғон, Ҳаққулобод шаҳарларига қатнайдиган автобуслар хизматидан ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Ҳозирги вақтда вилоятдаги барча шаҳар ва туман марказлари аҳолиси замонавий шохбекатлар хизматидан баҳраманд бўлмоқда.

(ЎзА).

ФИРИБГАРДАН АЛҲАЗАР!

Али Холбоев асли Фарғона вилояти Охунбобоев райони «Ғалаба» жамоа хўжалиги «Бешкапа» қишлоғида туғилган. У тақдир тақозоси билан Россия Федерацияси Чита вилояти Чита райони Углан қишлоғида яшарди. Чита шаҳридаги «Баҳор» хусусий фирмасининг раиси бўлиб ишларди. Кийинишини қурган, гап-сўзини эшитган ҳар қандай киши ҳам унга ҳурматда бўлади, ишонади. Аммо у эса инсонийликнинг энг пок туйғуси-ишончни суиистеъмол қилиб, одамларнинг дилини оғритди.

Воқеа шундай бўлди. 1996 йилнинг 3 январь куни. Барчанинг кўнглида янги йил қувончлари, яхши истаклар пок ниятлар. Алининг хаёлида эса қандай бўлмасин мўмай даромад орттириш. Ўша куни жабр кўриш Қашқадарё вилояти Китоб райони «Варганза» давлат хўжалиги Хўжа Душанба қишлоғидан келиб Самарқандининг «Сиёб» бозорида анор сотаётган деҳқонлар Абдуҳаким Баратбоев ва Неъмат Хўжақуловларнинг чекига тушган экан. Тирикчилик илинжида — тўй қиламиз деб йил бўйи тер тўккан деҳқонлар 2 тоннаю 700 килограммдан ортиқроқ анорни ҳаридор Али Холбоевга кутарасига беришга савдолашадилар. Дарҳақиқат, ўша кунлари бир килограмм сархил анор 40-45 сўм эди. Бозор кўрмаган деҳқоннинг кўнгли бўш бўлади. Анорнинг ҳар килограмми 25 сўмдан кутарасига баҳоланади. Соддадил деҳқоннинг ишончига кириш А. Холбоев учун қийин бўлмади. У 90 та қоғоз халтадаги юкни «кирақаш» Улуғбек Раҳимов бошқарувидаги автомашинага юклади. Устаси фаранг Холбоев анорни юклагач, пулини фалон жойда, тортиб кўрганимиздан кейин бераман деб, йўловчи такси машинасига деҳқонлар билан бирга ўтириб, анор юкланган автомашина орқасидан пешма-пеш юради. Самарқанд шаҳар 1-клиник-шифохонасига боришгач, сизлар ўтириб турингланг, бир қадрдон оғайнимиз касалхонада етибди, беш минутга кириб чиқай, илтимос, деб кириб кетади. Анча вақт деҳқонлар уни такси машинаси ҳайдовчиси билан бирга кутиб туришади. Аммо ҳадеганда «харидор» чиқавермагач, уларнинг кўнглига ғулғула тушади. Камбағални отнинг устида ҳам ит қопади деб бежиз айтилмаган. Ҳулдас, А. Холбоев жами 67,5 минг сўмлик анорни эгаларини алдаб, фириб йўли билан олиб қочиб кетади.

Ҳайриятки, жабр кўрганлар ғуддик билан ички ишлар бўлимига мурожаат қиладилар. Самарқанд райони ички ишлар бўлими тезкор изқуварларининг саъй-ҳаракатлари туфайли фирибгар қармоққа илинди. Унинг асл башараси очилиб қолди.

Шукрки, юртимиз мустақил, дастурхонимиз тўкин-сочин. Ўзга юртларда мусофирчилик аравасини тортиб Узбекистонимиз тупроғини кўзларига тутиё қиладиганлар қанча. Ўзга юртларда униб-ўсган ватандошларимиз ҳам бизнинг қувончимизу ташвишимизга шерик эканидан фахрлансанг, уларнинг ҳаққига дуолар қилсанг арзийди. Али Холбоев эса мутлақо бошқача тоифадан экан. У ўзи туғилиб ўсган юрт тупроғида унган нознеъматларни ўзга юртларда сотиб юриб, кун кечириб — бойлик орттиргани етмагандай, ҳамюрт деҳқонларнинг ризқ-насибасига чанг солишга уялмади.

Яқинда бир аёл кимнидир узоқ қарағанининг гувоҳи бўлгандим. У фойда кўрай деб Москвага ёрёнгоқ олиб борган экан. Иккита катта сумканинг ҳар бирида 25 килограммлан ёрёнгоқ магизи бор экан. Манзилга етгач, поезддан тушмасданоқ башангтина кийинган ўзбек йигити кутарасига олиш учун аёлнинг юкига харидор бўлибди. Бечора аёл (икки боласини отасиз тарбиялаётган мушфиқ она) бозори бароридан келганига севиниб, ёрёнгоқни баҳолашибди. Ўша йигит икки сумкани кутарибди-да ишончли оҳангда, орқамдан юраверинг, пастда юкни тортиб кўриб, кейин пулини санаб бераман деб поезддан тушибди-ю бир зумда кўздан ғойиб бўлибди. Бу ҳаромхўр ҳам Холбоевга ўхшаганларнинг бири-да. Бечора йиғлаб-йиғлаб юртига қайтибди...

Демоқчимизки, элда ўзинга ҳушёр бўл, қўшнингни ўғри тутма, деган нақл бор. Ҳар бир инсон — зиёлими, оддий ишчими ҳушёр бўлиши даркор. Аммо, барибир, ҳаром еган эртамикечми Али Холбоевга ўхшаб халқумидан илиниши тайин.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» махсус мухбири.

ЛАТИФАЛАР

АРҚОН

Афандиникига ҳазилкаш дўстларидан бири меҳмонга келди. Афанди уни зур зиёфат қилди, ҳатто чойни ҳам косада берди:

— Дўстим, менга арқон берсангиз, — деди меҳмон.

— Арқонни нима қиласиз? — сўради Афанди.

— Узимни боғлаб қўяман, тағин коса ичига тушиб кетмай.

Орадан бир неча кун ўтгач, Афанди ҳам ўз навбатида уникига меҳмонга борди. Дўсти жўрттага унга кичкина пиёлада чой узатди.

— Менга арқон беринг. — деди Афанди.

— Сиз ҳам узингизни боғламоқчимисиз? — сўради мезбон.

— Йўқ, узимни эмас, пиёлани боғламоқчиман. Тағин ичимга кетиб қолмасин.

УХЛАЯПМАН

Афанди бир дўсти билан меҳмонда тунаб қолган эди. У уйғониб сўради:

— Афанди уйғоқмисиз?

— Нима эди?

— Сиздан озроқ қарз сурамоқчи эдим.

— Йўқ, мен ухлаб ётибман, — деди Афанди.

ЁМОН КАВУШ

Афанди осма кўприкдан қўрқибгина ўтаётган эди, кавушининг бир пойи ариққа тушиб, оқиб кетди. Қанча ҳаракат қилмасин уни Афанди тутиб ололмади.

— Ўзи паст мато, торлигини айтмайсизми, кела-келгунимча оёғимни эзиб келаётган эди, зап иш бўлди-да, оқиб кетди, — деди ноилож.

— Нега ундай дейсиз, ахир яп-янги кавуш эди-ку, — эътироз билдирди ҳамроҳи.

— Ёмон дедимми, ёмон, — тутақиб кетди Афанди, — яхши бўлганида жуфтини ташлаб кетмаган бўларди.

ЛАЪНАТ

Афандининг кичкина ўғилчаси йиғлаб келди.

— Анови қудуққа ноним тушиб кетди.

Афанди бориб қудуққа қараган эди, сувда ўз аксини кўрди.

— Оппоқ соқолинг билан ёш боланинг нонини тортиб олишга уялмайсанми, минг лаънат сенга! — деди.

Тўпловчи:
А. ҚОДИРОВА.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Расулмат ХУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Миргиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИС: «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ
ҲОМИЙ: «Узқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси
«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г—063, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 3 4 6.